



Игамбердиев А.К., Алиқұлов С.

**МАШИНАЛАРНИНГ ТЕХНИК
САМАРАДОРЛИГИ**



ТОШКЕНТ – 2022

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАТСИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАТСИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

А.К.Игамбердиев, С.Алиқулов

**МАШИНАЛАРИНИНГ ТЕХНИК
САМАРАДОРЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий ўқув юртининг 5430100 - Қишлоқ хўжалигини механизасиялаштириш, 5430400 - Қишлоқ хўжалигига инновацион техника ва технологияларни қўллаш талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ - 2022

УДК 631.3:629.4 (075)

**ОЎМТВнинг _____.2021 й. № ____ сонли буйруғига асосан
чоп этишга тавсия этилган.**

Тақризчилар:

Б.М.Худаяров

- Тошкент ирригатсия ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти профессори, техника фанлари доктори.

К.Қосимов

- Андижон қишлоқ Қишлоқ хўжалигини ва агротехнологиялар институти кафедра мудири, доцент, техника фанлари доктори.

Аннотатсия

Ўқув қўлланма 5430100-қишлоқ хўжалигини механизатсиалаштириш, 5430400 - Қишлоқ хўжалигида инновацион техника ва технологияларни қўллаш бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, ўқув режа ва фаннинг намунавий ҳамда ишчи дастурларига мос ишлаб чиқилган.

Мазкур ўқув қўлланмада машиналарнинг техник самарадорлигини жширишнинг назарий асослари, самарадорлик тушунчаси, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асослари, машиналарнинг иш унуми, меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш усувлари, иш унумининг моҳияти, агрегатнинг ҳақиқий (соф) иш вақтини ошириш имкониятлари, асосий заҳиралари, машиналарнинг техниковий самарадорлигини оширишдаги инновацион усувлар ва воситалар, истиқболли йўналишлари, қишлоқ хўжалиги техникаларини эргономик кўрсатгичлари, машиналарни масофадан туриб бошқариш тизими ва воситалари, ҳаракатланиш усувларини асослаш ҳамда агрегатларнинг ишини баҳолашнинг асосий меъзонлари баён қилинган.

Аннотация

Учебное пособие предназначено для студентов направления подготовки бакалавра 5430100 - Механизация сельского хозяйства и 5430400 - Использование инновационных технологий и техники в сельском хозяйстве. Учебное пособие разработано в соответствии с Государственным образовательным стандартом высшего образования, учебным планом, типовыми и рабочими программами предмета. В этом учебном пособии рассматриваются теоретические основы технической эффективности машин, понятие эффективности, основы сельскохозяйственного производства, производительность машин, производительность труда и способы ее повышения, сущность производительности, возможности увеличения фактического (чистого) рабочего времени агрегата, основные ресурсы, инновационные методы и средства повышения технической эффективности машин, перспективные направления, эргономические характеристики сельскохозяйственной техники, системы и средства дистанционного управления, обоснование способов движения и основные критерии оценки работоспособности агрегатов.

Аннотацию

Тхе текстбюок ис интендед фор студентс ин тхе дирестион оф траининг бачелор 5430100 - Мечанизации оф агрикультуре анд 5430400 - Тхе усе оф инновативе течнологиес анд течникуес ин агрикультуре. Тхе текстбюок was девелопед ин ассордансе шитх тхе Стате эдусатионал Стандард оф Ҳигҳер эдусатион, суррисулум, стандарт анд ворк програмс оф тхе субжест. Тхис туториал эхаминес тхе тхеоретисал фоундатионс оф тхе течнисал эффисиенсий оф мачинес, тхе концепт оф эффисиенсий, тхе басисс оф агрикультурал продустион, мачине продустивитӣ, лабор продустивитӣ анд вайс то инсреасе ит, тхе эссенсе оф продустивитӣ, тхе посибилитӣ оф инсреасинг тхе астуал (нет) воркинг тиме оф тхе үнит, басис ресурсес, инновативе методс анд меанс оф инсреасинг течнисал эффисиенсий оф мачинес, промисинг дирестионс, эргономис характеристисс оф агрикультурал мачинерӣ, системс анд меанс оф ремоте контрол, субстантиацион оф тхе методс оф мовемент анд тхе майн сритерия фор асессинг тхе перформансе оф үнитс.

Кириш

Мамлакатимизнинг халқ ҳўжалиги тармоқларида, жумладан, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини этиштираётган турли шаклдаги ишлаб чиқариш обьектларида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, аграр соҳа маҳсулотларини этиштириш асосан кластерлар ва фермер ҳўжаликлари зиммасига юқлатилганлиги ишлаб чиқарувчи кучларни ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришига олиб келди.

Мустақиллик йилларида сезиларли даражада тараққий этаётган республика агросаноатининг барча йўналишларини, айниқса, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини энг замонавий, мукаммал қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминлаш учун хорижий давлатларнинг илғор фирмалари билан ҳамкорликда бундай техникаларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ ҳўжалигини ўз вақтида қишлоқ ҳўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10.05.2018 йил ПҚ-3712 сон, “Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизатсия ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 29 майдаги ПҚ-3751 сон ва 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4410-сон қарорларида қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, замонавий ва сифатли техникалар билан таъминлаш, машина-трактор агрегатлари паркини янгилаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, диагностикалаш, узоқ муддат сақлаш, хусусан қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш, яъни: қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турларини кенгайтириш, аграр секторни ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган маҳаллий ишлаб чиқариладиган замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйиш, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйишда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг

уйғунлашувини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган мавжуд техника турларини оптималлаштириш ва ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг моделларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, машина-трактор паркларининг мавжуд техникалари ва бўш турган эр майдонларини оптималлаштириш, уларни таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш, қишлоқ хўжалигини механизатсиялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервиси йўналишлари бўйича малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда шу йўналишлар бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, янги ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникалари учун ўрнатилган техник талабларни республиканинг тупроқ-иқлим шароити ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, дилерлик тармоғини кенгайтириш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларига хизмат кўрсатувчи зарур техникалар билан жиҳозланган ва кўчма хизмат кўрсатувчи минтақавий сервис марказларини ташкил этишга эътибор берилган ва тегишли вазифалар белгиланган[1, 2, 3].

Шу билан бирга давлатимиз томонидан кластерлар ва фермер хўжаликларига техникалардан фойдаланишнинг янги йўналишларини яратиб берилганлиги, яъни, ўзининг шахсий техникасидан ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларнинг техникаларидан шартнома асосида ёки ижарага олиб фойдаланиш имкониялари борлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Техникалардан фойдаланишда аввало уларнинг фойдаланиш кўрсатгичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг энг замонавий усуслардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларнинг ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши талаб этилади.

Чет эллардан келтирилаётган ва ҳорижий фирмалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари замонавий борт компьютерлари, бевосита ва масофадан туриб бошқариш тизимлари билан таъминланганлиги ҳамда операторларга замонавий талаблар даражадаги шароитлар яратилганлиги, улардан самарали фойдаланиш ишларини юқори савияда олиб бориш ва бу ишларни амалга ошириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш талаб этилади.

Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари” түғрисидаги ПҚ-3003-сонли қарорида ҳам бу масалани амалга оширишга алоҳида эътибор берилган [4].

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири “Аниқ дехқончилик” тизимини қўллашда ишлаб чиқариш жараёнлари ва воситаларини аниқ билиш ва уларни олдиндан мос холда мониторинг ва назорат қилиш ҳисобланади. Техникаларни мақбул бошқариш учун машиналар тизимининг барча иқтисодий кўрсатгичлари очиб берилган бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолати қўйидагилар билан тавсифланиши мумкин:

- Ғарб мамлакатларига нисбатан меҳнат унумдорлик даражасининг пастлиги (ривожланган давлатларнинг унумдорлик даражасининг 10 % дан кўп бўлмаган);

- ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг юқори энергия зичлиги (ривожланган Ғарб мамлакатларига қараганда 4-6 баравар юқори, масалан: Россияда ҳар гектар экин майдонига 250-280 кг гача, АҚШда 140 кг гача стандарт ёқилғи сарфланади);

- норационал “бўрттирилган” техник, технологик и энергетик воситалар жамланмаларининг фойдалали иш коэффициентининг пастлиги (ўртacha йиллик энергия талаб қилувчи ускуналарнинг энергетик самарадорлигининг 20 % га ҳам этмаслиги);

- табиий энергия ресурсларини истеъмол қилиш улушининг юқорилиги (истеъмол таркибида энг катта улушнинг дизел ёқилғисига тўғри келиши - тахминан 30 %, бензин - 11-16 %, табиий газ – 20 %, электр ва кўмир - 10-11 %);

- техник, энергетик воситалар жамланмалари ва ускуналарининг эскирганлиги (қарийб 60 % амортизатсия давридан ташқарида ишлайди);

- эскирган техник, энергетик воситалар жамланмалари ва ускуналаридан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш тизимининг деярли тўхтаб қолганлиги, ўтказилмаслиги;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркининг қисқартирилиши;
- малакали кадрларнинг этишмаслиги.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда техник, технологик и энергетик воситалар жамланмаларининг таъсир кўрсатиш обьекти сифатида биологик обьектлар (тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонлар) хизмат қиласди. Бу энергия истеъмоли ва тақсимотининг хусусиятларига, шунингдек, мумкин бўлган энергия манбаларига таъсир қиласди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия зичлиги уларнинг

рақобатбардошлиқ омили ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 1 % га ортиши энергия сарфини 2-3 % га кўпайишига олиб келади [5].

Маълумотларга қараганда [5] Россия қишлоқ хўжалиги энергия самарадорлиги бўйича хорижий давлатлардан анча орқада. Масалан, Германияда ишлаб чиқариш таннархидаги энергия истеъмоли улуши қарийб 7 %, Россияда – 20 % дан ортиқ (баъзи ҳудудларда – 45 %). Шу билан бирга, нафақат умумий, балки ўзига хос энергия сарфи ўсиш тенденсиялари ҳам мавжуд. Шу боис, замонавий агросаноат мажмуасида энергия тежаш масалалари хозирги даврда кескинлашмоқда. Бу ўз йўлида бизни агросаноат мажмуасидаги энергия тежаш муаммоларини ҳал этишга энг муҳим стратегик янгиликлар сифатида қарашга мажбур қиласди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг паст тўлов қобилияти ва техник жиҳозланиши туфайли МХДда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиладиган технологиялар жуда соддалаштирилган. Ишлаб чиқариш асосан анъанавий технологиялардан фойдаланишга асосланган. Эндиликда юқори самарали ресурс тежайдиган технологияларни қўллашга эътибор берилмоқда.

Лекин, машина ва трактор паркларининг эскирганлиги сабабли, уни тўлдириш қониқарсиз, этказиб берилаётган маҳаллий техник ва технологик ускуналар қишлоқ хўжалигининг замонавий талабларига ҳали тўла жавоб бера олмайди. Бу борада энг долзарб вазифалар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг янги технологияларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини техник қайта жиҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодий фойдаланишга олиб келадиган меҳнат унумдорлигини ошириш ва камайтириш ҳисобланади.

Агросаноат комплексини ривожлантиришнинг инновацион тизимига асосланган технологик ютуғи ўсимликчилик саноатининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишнинг энг қисқа йўли бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш жадаллиги бўйича қўйидаги асосий турдаги технологиялар қўлланилмоқда.

Оддий (анъанавий) технологиялар рентабеллиги паст, кадрлар билан таъминланмаган фермер хўжаликлари ва қурғоқчил ҳудудларга мўлжалланган. Шу билан бирга, ғалла экинларининг ҳосилдорлигига гектарига 20 с гача бўлиб, улар учун асбоб-ускуналар тупроқ унумдорлигини оширишга (ўстиришга) мўлжалланмаган.

Интенсив технологиялар чуқурроқ маълумот олиш учун мўлжалланган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга минерал ўғитларни жалб қилишни, ўсимликларнинг заарли таъсиридан, зааркунандалар ва бегона ўтлардан ҳимоя воситаларини кам миқдорда ишлатилишини, уларнинг заарли таъсир чегарасига қараб, ўғитларни ҳар хил ишлатилишини талаб қиласди. Бу технологиялар ғалла ҳосилдорлигини гектарига 30-40 с гача бўлишини таъминлайди.

Юқори (юқори интенсивликдаги ресурсларни тежайдиган) технологиялар ғалла ҳосилдорлигини 50-60 с/гача бўлишини таъминлайди. Ушбу технологиялар учун ускуналар эрдан тежамли фойдаланишни, экинларни этишириш, йиғиш ва сақлаш жараёнларини аниқ назорат қилишни таъминлайди, ўзи бажариладиган технологик операциялар сифатини назорат қиласди, барча турдаги ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиради.

Қишлоқ хўжалигидаги технологик ўзгаришларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси кўп қиррали бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: технологик ислоҳотларнинг меъёрий-хуқуқий базасини шакллантириш, шу жумладан асосий технологик операцияларга қўйиладиган дастлабки талаблар; дизайн бизнесини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини технологик модернизация қилиш учун кадрлар тайёрлаш; қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларини технологик модернизацияни рағбатлантириш. Шу билан бирга, саноатнинг технологизацияси ресурсларни тежаш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак, яъни агросаноат комплексининг барқарор ўсиш омили сифатида замонавий ресурсларни тежайдиган технологияларга асосланган бўлиши керак.

Ўқув қўлланма агрегатларни тузиш ва улардан самарали фойдаланиш асослари бўйича ишлаб чиқариш шароитлариiga мос келадиган тракторлар ва ишчи машиналарни танлаш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича назарий ва амалий билимлар манбаи сифатида хизмат қиласди.

И-боб. САМАРАДОРЛИК ТУШУНЧАСИ

Таянч тушунчалар: иқтисодий кўрсаткич, самарали бошқариш, иш унуми, машинанинг сиғими, самарали вақт, дала самарадорлиги, машинанинг маневрчанлиги, дала модели, умумий тушунчалар.

1.1-§. Иқтисодий кўрсатгичлар

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг мақбул таркиби ва ularни самарали бошқариш учун машиналар тизимиға кирадиган барча техникаларнинг иқтисодий кўрсатгичлари очиб берилган бўлиши керак.

Кўплаб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари каби кластерлар, деҳқон фермер хўжаликларида ҳам машиналардан фойдаланишнинг асосий мақсади фойда келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда улардан самарали фойдаланиш тақоза этилади.

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг мақбул таркиби ва уларнинг иш унуми фойдали бўлади, қачонки маҳсулот ва ишлаб чиқариш жараёнларининг баҳосини ошириб, фойдаланиш баҳоси, яъни самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлса [6].

Қишлоқ хўжалиги машиналарининг мақбул таркиби ва ularни самарали бошқариш оптимал иқтисодий мақсад бўлиб, бу маҳсулотларнинг энг паст баҳода этиштирилиши ҳисобланади ва бунда фойда максимал бўлиши бизнеснинг ҳақиқий мақсади ҳисобланади.

Ҳудди шундай бизнеснинг умумий фойдаси биринчи навбатда индивидуал, яъни якка тартиbdаги ҳар қандай машинадан самарали фойдаланиш даражасида бўлиши шарт. Бу ҳолат индивилуал машинани ўзининг мумкин бўлган минимал баҳосидан бошқача ишлашига мажбур этиади.

Машиналарни яхши бошқаришда, технологик жараёнлардаги ҳар бир операцияни (технологик ишни) шундай бир-бирига ростланган ва жамланган бўлиши талаб этилади. Шундагина уларнинг иш унуми қишлоқ хўжалиги фаолияти учун энг юқори фойда келтиради.

Машиналар тизимининг иқтисодий кўрсатгичлари бир бирлик маҳсулотга сарфланадиган пул бирлиги бўйича ўлчанади.

Масалан, маккажўхори ўриш машинанинг баҳоси бир гектарга 120 \$, соя ва бошоқли дон этиштиришда бир тонна маҳсулотни ўриб-йиғиб олиш баҳоси 40 \$, мол гўшти этиштиришда бир килограмм гўштнинг баҳоси 75 сент ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Бу терминларда маккажўхори ўриш машинаси, бошоқли донни ўриб-йиғиб оладиган комбайн ва мол гўшти этиштиришдаги барча механизмлар жамланмасининг (тизимнинг) максимал иш унуми бир бирлик маҳсулотнинг таннархининг энг паст бўлишини таъминласин.

Хорижий манбаларда иқтисодий фаолият З та компонент билан ифодаланган:

1. Машинанинг иш унуми;
2. Машинанинг қуввати;
3. Операторнинг фойдали иши.

Айрим ҳолларда бу кўрсатгичлар «самарадорлик» деб кўрсатилган. Агар турли нисбатдаги иш унумларига асосланган охирги баҳо бўлганда бу фикр тўғри бўлиши мумкин [6].

Машинанинг ўлчамлари, қуввати ва меҳнат тавсифларининг миқдорлари вақт бирлигida ҳисобланади. Иш унумининг бу уч кўрсаткичи иқтисодий кўрсаткич бўлиши учун уларнинг сонини вақт бирлигига нисбати ҳар бирининг вақт бирлигидаги баҳосига бўлиш керак бўлади.

Масалан: Фараз қилайлик, тизим (агрегат) соатига 5 тонна пичан ўрган ва машинанинг бажарган иши баҳоси ҳар соатига 10 \$ бўлсин. Бунда тракторларга 1,5 киши-соат 8 \$/соат баҳо билан ва 1,1 киши-соат 7 \$ /соат талаб этилади.

Тизимнинг иқтисодий кўрсатгичи:

$$\frac{5,94\$}{soat} = \frac{10\$}{soat} \cdot \frac{1soat}{5tonna} + \frac{8\$}{soat} \cdot \frac{1,5soat}{5tonna} + \frac{7\$}{soat} \cdot \frac{1,1soat}{5tonna}$$

Агрегат воситалари, қувват, инсон меҳнати ва бошқариш қишлоқ хўжалик машиналари тизимининг қисмларига киради. Ушбу қисмларнинг иқтисодий кўрсатгичлари кейинги бобда кўриб чиқилади.

1.2-§. Машинанинг иш унуми

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда машинанинг иш унуми ўлчовларига унинг тезлиги ва ишнинг сифати киради. Тезлик муҳим ўлчов ҳисобланади, чунки қишлоқ хўжалигидаги мавсумга ва об-ҳавонинг салбий таъсирига боғлиқ бўлган ва ўз вақтида бажариш талаб этиладиган ишлар жуда кам соҳаларда мавжуддир.

Ишни тўлиқ бажариш сифатнинг бир қисми бўлиб, у машинанинг маҳсулотни исроф қилмасдан ҳаракатланиб ишлаш қобилияти ҳисобланади. Чунки кўпчилик қишлоқ хўжалиги материаллари мўрт, кўплари тез бузиладиган ҳисобланади. Машиналардан фойдаланишда маҳсулотларнинг исроф

бўлишининг кўпайиши ёки сифатининг пасайиши унинг иш үнумини яна бир мұхим томони ҳисобланади [6, 7].

Машинани бошқарадиган операторлар ўз ишларини тўлиқ ва қисқа муддатларда бажарилиши кераклиги яхши билсаларда, улар қишлоқ хўжалик экинларини ва тупроқни зааралантирганликлари учун иқтисодий жарималар солинишини кўп ҳолларда эътиборсизликка йўядилар. Машинанинг фойдаланиш кўрсатгичларини баҳолашда сифат ва миқдорларни алоҳида ҳисобга олиш керак.

Машинанинг иш тезлигини баҳолаш вақт бирлигидаги сон кўринишда амалга оширилади. Кўп ҳолларда даланинг қишлоқ хўжалик экинлар кўриниши майдон (га/соатда), ўрим-йиғим машиналарининг иш үнуми сентнер/соат, тонна/соат, зичлагич-йиғичларда тойлар сони/соат бирликда қабул қилинади.

Иш үнумининг бу кўрсатгичлари машинанинг қувват кўрсатгичлари дейилади.

1.3-§. Машинанинг сиғим кўрсаткичи

Машинанинг сиғим кўрсаткичи фақат вақт майдонида кўрсатилса, қоидага биноан унинг ҳақиқий кўрсатгичи, айниқса, йиғим-терим машиналари учун этарли кўрсатгич ҳисобланмайди [6].

Шуни фарқлаш керакки, экин ҳосилдорлиги ва фойдаланиш шароитларида битта машина бир соат қувватда кичик майдонга ишлов бериши мумкин, лекин, ўша машина бир соат қувватда худди шундай бошқа даладаги машинага нисбатан катта массага эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳақиқий солиштирма сиғим масса/соат бўлади.

Оғирлик ва масса тушунчасини машина қуввати ва ҳосилдорлик деб тушуниш мумкин. Масса жисмнинг моддаси сифатида қаралади ва у жисмнинг тезланишига қаршилик кўрсатади ва эрнинг массасига тортилади.

Шундай назария борки, агар жисм тўхтатиб қолинмаса эрнинг маркази томон жуда тез тезланиш олади. Тўхтатиб қолинадиган куч жисмнинг массасига тенг бўлади.

Масса ва оғирлик орасидаги нисбат қўйидагича аниқланади:

$$F = m \cdot AC$$

бу эрда Φ - жисмга таъсир этувчи куч; m - жисмнинг массаси; AC - масофа бирлигига олинган тезланиш, m/c^2 .

Демак, эрнинг тортиш гравитацияси томонидан ҳосил қилинадиган тезланиш ва масса оғирлик кучини (g) ташкил қилади.

Масалан: Денгиз сатҳида тезланиш $32,2$ фут/ c^2 оддий бирлик тизимида ва $9,81$ м/ c^2 СИ тизимида ҳисобланади. Оғирлик кучи (g) денгиз сатҳидан кўтарилигандан сари камайиб боради. Жисмнинг оғирлиги пасангили (ричагли) тарозида ўлчанса, унинг оғирлиги эрнинг турли жойларида турлича бўлади.

Демак, хуноса қилишимиз мумкинки, СИ тизими масса бирлигини ўлчашда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари килограмм, центнер (100 кг) ва тонна (1000 кг) бирликларда умумий савдо-сотиқ бирлиги сифатида қабул қилинган. Бу массалар одатда уларни оғирлигини пружинасиз тарозиларда ўлчаш йўли билан аниқланади ва легалли савдоларда фойдаланилади.

Анъанавий тизимда дон миқдори сиғим (бушел) билан аниқланади.

Хозирги кунларда сиғим (бушел) маҳсулот миқдорини оғирлиги кўрсатилган фунтда ҳосилдорликка ва унинг намлигига дифференциал ҳолатда аниқланмоқда.

Айрим маҳсулотлар ва кўпгина озуқалар сентнерда ўлчанади. Яъни, сентнер (100 фунт АҚШда, 112 фунт Англияда).

Фалла ўриб-ийғиб оладиган, картошка йиғиширадиган комбайнлар ва шунга ўхшаган машиналарга талаб этиладиган маҳсулотларни кераксиз чиқиндилардан тозалаганлигини ҳисобга олган ҳолда маҳсус солиштирма қувват тушунчасини киритиш зарур бўлади.

Шу билан бирга тайёрланган маҳсулотларни оғирлиги бўйича ҳисботларда ҳамма материал маҳсус сиғимларда ишлов берилади. Шунинг учун, ўтказувчанлик қобилияти тушунчаси киритилади.

Масалан: комбайнни ўтказувчанлик қобилияти бир килограмм/соат деганда умумий тайёрланган массага дон, сомон, чори, бегона ўтларни киритиш керак бўлади.

Ўтказувчанлик қобилияти солиштириш учун ҳамма вақт ҳам доимий база ҳисобланмаслиги мумкин. Чунки, бу кўрсаткич экинларнинг намлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Лемак, комбайнлар ва шунга ўхшаш машиналарнинг ўтказувчанлик қобилияти кўрсаткичи қувватини баҳолаш ҳисботида материални намлиги билан бирга кўрсатилиши керак бўлади.

Машина қувватининг ҳисобига майдон ёки масса ва вақтнинг ўлчамлари киритилади. Агар бирлик ўлчамга эътибор қаратилса, ҳисоб-китоблар нисбатан оддий бўлади. Бунда қувватнинг ўлчов бирлиги қисқача гектар (га) ва акрлардан иборат бўлади.

Масалан: машина қувватининг уч тури - майдон салоҳияти, материаллар сиғими ва ўтказувчанлик қобилияти аниқланади. Яъни, комбайннинг қамраш кенглиги 5 м (16,4 фут), тезлиги 1,5 м/с (4.9 фут/с) эканлиги аниқ бўлса, дон бункерига бир минут вақт ичида 50 кг дон йиғилган ва 60 кг чиқиндилар (сомон, чори ва бошқалар) машинанинг орқа томонидан тўкиб кетган бўлиши мумкин.

Машинанинг сиғимлари қўйидаги кўрсаткичларда ифодаланади :

1. Майдон салоҳияти

$$2,7 \frac{ga}{soat} = \frac{1,5m}{S} \cdot 5mx \frac{1ga}{100000m^2} \cdot x \frac{3600S}{1ga}$$

2. Материаллар истеъмоли

$$3000 \frac{kg}{soat} = \frac{50kg}{min} x \frac{60min}{soat}$$

3. Ўтказувчанлик қобилияти

$$6,6 \frac{m}{soat} = \frac{110kg}{min} x \frac{m}{soat} x \frac{60min}{soat}$$

Ҳисобланган назарий қувватлар самарали қувватдан фарқ қиласди. Чунки, ҳаммага маълумки, машиналар тўхтовсиз ишлай олмайди ёки қамраш кенглиги бир хил бўлмайди.

Ҳулоса: демак машиналарнинг самарали ёки ҳақиқий қуввати уларнинг назарий ёки бор бўлган имкониятидан бирмунча кам бўлиши аниқ бўлади.

1.4-§. Машинанинг самарали вақти

Самарали вақт деб машинанинг ишни бажаришдаги самарали ишлаган вақтини умумий кетган вақтга нисбатини фоизларда аниқланган қийматига айтилади.

Ҳар қандай машина трактор агрегати дала майдонинг ўлчамлари чегарасида экинларга ёки тупроққа ишлов бермагандан иш вақтининг маълум қисмини бекорга сарфланган ҳисобланади. Бу ҳолат фермер ёки ташкилот томонидан сотиб олинган машинанинг технологик операцияни бажариш вақтининг маълум қисми ҳақиқатда бекорга сарфланган деб баҳоланиши керак бўлади [6, 7, 8].

Қўйида турли қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги машиналарнинг қуввати ёки машина жиҳозларига кетган сарфларни аниқлашда ҳисобга олиниши керак бўладиган жойлардаги иш турлари билан боғланган ишчи кучлари, вақт элементлари рўйхати кўрсатилган:

1. Хўжалик саройида машинани тайёрлаш (машинани тозалаш, ташқи кўриқдан ўтказиш, ёнилғи билан таъминлаш, ўт олдириш, тормоз, ёритиш, тизимларини текшириш ва бошқа қўшимча ишлар) вақти;
2. Далага бориш ва қайтиш вақти;
3. Машинани дала шароитида иш олдидан ва кейин тайёрлаш кунлик техник хизмат, уруғлик дон, маъданли ўғит билан сиғимларни тўлдириш, терилган маҳсулотларни притсепларга тўкиш ва бошқа ишлар) вақти;
4. Машинанинг даладаги назарий иш (машинанинг мақбул ҳаракат тезлиги ва қамраш кенглигига ишлатилгандаги) вақти;
5. Ўқ ариқлар, ҳосили йўқ жойларни кесиб ўтиш (машина механизмлари ишлаб турган ҳолатидаги) вақти;
6. Машинани тўхтатиб бажариладиган иш учун кетган (машинани трактордан ажратиш) вақти;
7. Техник хизмат кўрсатиш (ёқилғи қўйиш, мойлаш, занжир ва тасмаларни таранглаш ва бошқалар, агар бу ишлар машина ҳаракатланаётган вақтда бажарилмаса) вақти;
8. Далада юзага келган носозликларни бартараф қилиш (далада носоз машина қисмларини алмаштириш ёки янгилаш) вақти;
9. Операторнинг шахсий, физиологик ҳолатларига сарфланган вақти.

Шуни таъкидлаш керакки, вақт сарфи элементларининг айримларини машинанинг иш вақти ҳисобига ёпиш мумкин. Операторнинг шахсий вақти (10 кўринишдаги вақт) жуда ўзгарувчан бирлик бўлиб, қоидага кўра машинанинг иш самараси билан боғлиқ бўлади. Лекин, кўп ҳолларда унга эътибор берилмайди ва бу ҳолат, машина вақтини бекорга сарфлаши деб қаралади.

Худди шундай, 1, 2 ва 3 кўринишдаги вақт сарфлари кўп ҳолларда кўриб чиқилмайди. Қолган 4-9- элементлар дала самарадорлигига киритилган.

Аниқ машина учун дала самарадорлигининг қийматлари доимий бўлмасдан бир – биридан фарқ қиласди.

1-жадвалда умумлаштирилган қишлоқ хўжалик машиналари дала самарадорлигининг оралиқ қийматлари келтирилган.

1.1- жадвал

Машина ва ускуналарнинг далада ишлатиш самарадорлиги ва иш тезликларини чегаралари

№	Операциялар (ишлар) тури	Машина ва ускуналар	Далада ишлатиш самараси, %	Ишлатиш тезлиги, км/соат
1	Тупроққа ишлов бериш	Плуглар	88-74	5-9
-		Дискли борона	90-77	6-10
-		Тишли борона	83-65	6-12
2	Култиватсия қилиш	Култиватор ва чукӯрюмшатгич	90-75	6-9
-		Чопиқ култиватори	90-68	3-9
-		Роторли култиватор	88-80	9-20
3	Уруғ экиш	Сеялка	78-55	7-10
-		Картошка эккич	80-55	9-12
4	Ўриб-йиғиш	Ўт-ўргич	95-80	5-9
-		Ўт ағдаргич	89-62	6-9
-		Йиғгич-зичлагич (тўртбурчакли)	80-65	5-10
-		Йиғгич-зичлагич (айлана)	50-40	5-19
-		Озуқа комбайни	76-50	6-10
-		Маккажўхори тергич	70-55	3-6
-		Ўргич,	85-75	6-10
-		Картошка йиғгич	90-50	3-6
-		Пахта териш машинаси	90-65	3-5
5	Турли хил	Пуркагич	80-55	7-10
-		Поя майдалагич, ўт ўргич	85-65	6-10
-		Ўғит сепгич	90-60	6-10

Самарали майдон салоҳати учун ўрнатилган фаолият самарадорлигини қўйидаги самарали фаолият тегламаси билан аниқлаш мумкин:

$$C = \frac{v \cdot B \cdot \varepsilon}{c} \quad (1.1)$$

бу эрда C - самарали майдон салоҳияти, га/соат; v - тезлик, км/соат; B - номинал иш кенглиги, м; ε - дала самарадорлигининг фойдали коэффициенти; c - доимийлик 10 [8,25]

Маълумки, эрнинг анъанавий ўлчами ўзгармайди. Америкалик фермерлар метрик машиналар билан акра бирлигидаги майдонда ишлаганда юқоридаги тенглама қўйидагича ифодаланиши мумкин

$$C = \frac{v \cdot B \cdot \varepsilon}{c} = \frac{akr}{soat} = \frac{v \cdot B \cdot \varepsilon}{4}$$

кўринишида нормал метрик машинага тўғри келади.

Узун дала майдонлари, пайкал охирида чаққонлик билан қисқа вақт оралиғида тез бурилишлар, кенг қамровли машиналар, юқори иш тезлиги, қисқа вақт давомида ортиш ва туширишлар машинанинг юқори унумда ишлашига имкон яратади.

Даланинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларга қўйидагилар киради:

1. Машинанинг назарий иш унуми
2. Машинанинг маневрчанлиги
3. Даланинг паст-баландлиги
4. Даланинг шакли
5. Даланинг ўлчами
6. Ҳосилдорлик (агар ўрим-ийғим иши бўлса)
7. Тупроқ ва маданий шароитлар
8. Тизимни чегараланганилиги

1.5-§. Даланинг назарий самарадорлиги

Даланинг назарий сиғимини ошиши билан унинг самарадорлиги камайиб боради. Интуитив сезиш мумкинки, агар кенг қамровли машина бир минут ҳосилсиз майдонда ҳаракатланса, шу вақтда кам қамровли машинага нисбатан күпроқ потенсиал маҳсулотни йўқотади [6].

Мисол тариқасида К. К. Барнс, Т. В. Касселман ва Д. С. Линкларнинг (Иоша Стате Университий) илмий изланишларини мисол қилиш мумкин. Дала тадқиқотларида улар шуни аниқлаганларки, агар маълум қамров кенглиқда машина 4 марта ўтганда даланинг потенсиали 50% ўрнига маккажӯхори плантатсиясини ўришда фақат 30% ни ва култиватсияда 40% ни ташкил этар экан.

Дала сиғими осма агрегатларда унинг тезлигига боғлиқ бўлиб, иш юриш тезлигининг ортиши билан дала иш самарадорлигининг пасайишини кузатиш мумкин. Даладаги иш ҳаракат тезликнинг ортиши билан ҳақиқий иш вақтини камайишига эришилади. Агар вақт сарфи ҳақиқатда амалда аввалгидек қоладиган бўлса, даланинг математик самарадорлиги камаяди. Бундай натижага шуни қўрсатадики, тезликни ошириш орқали даланинг самарадорлигини максимал оширишга уриниш бу яхши бошқаришга кирмайди.

Юқори ҳосилдорлиқдаги далаларнинг самарадорлик қўрсатгичини сақлаб қолиш учун юқори тезликлардан фойдаланишга ҳаракат қилмаслик керак. Кучли дала ва материал имкониятлар бўлганда юқори тезлик билан ишлаш имконияти бўлиши малакали оператор тупроқ ва экинларнинг ҳолатини аниқлаб ва баҳолаб, сўнгра ишнинг сифатини пасайишини ҳисобга олган ҳолда тезроқ ҳаракат қилиши мумкин бўлади.

Қўйидаги омилларга қараб машинанинг далада ҳаракатланиш тезлигини чегаралаш мумкин:

1. Аппарат блокларининг ўта функционаллиги;
2. Операторнинг машинани аниқ бошқара олмаслиги;
3. Майдон юзасининг нотекислиги сабабли машинанинг функционал ва тизимли ҳаракатланиши;
4. Метериалга (ишлов берилаётган мухитга) тартибли (секин) ишлов бериш зарурати.

1.6-§. Машинанинг манёврчанлиги


Кишлоқ хўжалиги машиналарининг конструкциялари шуддай яратилиши керакки, улар пайкалнинг охирида қисқа ва эркин бурилиши, даладан далада

ва далага бориш йўларида энгил маневрчаникка эга бўлиши керак. Шу билан бирга улар даланинг охирида қисқа бурилиши ва экинлар қатор орасида ҳамда эгри траекторияли ҳаракатланаётганда эркин бурилиши керак [6, 7, 8, 9].

Шунга қарамасдан, кенг қамровли ва катта машиналарнинг дала бўйича умумий бурилишлар вақти кичик қамровли машиналарга нисбатан анча кам бўлади. Агар катта ва кенг қамровли машиналар кичик қамровли машиналар каби бир хил бурилишлар сони билан бурилса, бир хил ҳажмдаги далада кичик машиналарга нисбатан камроқ бурилишлар қиласди. Лекин унинг самараси (иш үнуми) паст бўлиши мумкин. Чунки, кенг қамровли машина катта бурилиш йўлакчасини эгаллаши ҳамда бурилишга кўп вақт сарфлаши мумкин.

Осма машиналарнинг бурилиш радиуси пайкал охирида ва бурчакларда ҳаракатланиш учун кетган вақти иш үнумига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, кенг қамровли машиналарнинг бурилиш йўлагидаги бурилишида кўпроқ вақт ва жой талаб этилади (Расм. 1.1).



1.1-расм. Кенг қамровли агрегатнинг далада бурилиши

Бурилиш радиуси тушунчаси осма машинанинг самарали йўлининг ташқи радиусига боғлиқ ва ўз навбатида муҳим бўлиб, у технологик операцияни бажараётганда r_c ва ишламаётганда r_o билан белгиланиши керак. Бунла r_c албатда r_o дан каттароқ бўлади.

Бурилиш радиуси турли ўлчам ва шаклдаги далаларда оператор учун катта аҳамият ва қизиқишига эга эмас. Лекин, машинанинг иш үнуми, ёнилғи, вақтдан фойдаланиш даражасига сезиларли таъсир күрсатади.

1.7-§. Дала моделлари

Дала самарадорлигини далада бажариладиган операцияларни (ишларни) таҳлил қилиш ва жойларини ўзгартириш йўллари орқали кескин ошириш мумкин.

Албатта, операциялар тизими даланинг ўлчами ва шаклига узвий боғлиқ бўлиб, айрим фикрлар далаларнинг конфигуратсиясига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгариши мумкин.

Даланинг самарадор тизимини яратишдан мақсад далага бориб-келишни минимумга туширишдан иборат. Техникаларни далалар ўртасида кўчиб юришини, далада ҳаракатланаётганда уларнинг салт юришларини иложи борича бартараф этиш йўлларини қўллаш билан қимматли вақт ва энергия сарфини имконият даражасида камайтиришга эришиш мумкин.

Далада бажариладиган иш вақтини минимумга келтиришдан ташқари дала шаблонини ўзгартириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Суғориладиган далаларда айниқса, бошқа соҳаларда ҳам далага ишлов бериш шаблонини ўзгартириш, яъни сув кўлмакларини йўқотиш учун дала юзасини текислаш зарур бўлади.

Далага техникаларни кўп киритилиши ва юриши тупроқнинг зичланишини оширади. Айрим ҳолларда ҳосилни самарали йиғиб олиш учун самарадор экиш усусларидан воз кечишга тўғри келади.

Тупроқни сақлаш тадбирлари табиийки вақтни модификатсиялашда энг муҳим йўл дала маданиятини ошириш ҳисобланади. Шу билан бирга тупроқни сақлашдан олинадиган иқтисодий фойда вақтни сақлаш билан тупроқни сақлаш орасида нисбатан оптимал балансни ҳал этиш мавҳум ҳисобланади.

1.8-§. Умумий тушунчалар

Даланинг айрим тушунча ва аниқликларига қўйидагилар киради:

1. Машинанинг айланма ҳаракати деганда, унинг дала атрофида ёки дала бўйлаб ҳаракат бошланган нуқтадан то шу нуқтанинг ёнидаги нуқтагача

бўлган ҳаракати тушунилади. Даланинг бир бошидан охиригача ёки ярим айланади ҳаракати юриш дейилади.

2. Суғориладиган майдонларда машиналар индивидуал тартибда ишлаши учун далалар пайкалларга бўлинади.

3. Ишлов бериш навбатини яратиш учун пайкални ишлов берилмаган йўлагига олдиндан ёки охирида ишлов берилади. Бу йўлак далани охирида бўлса, у қийтиқ дейилади.

4. Даланинг бошида ва охирида машинанинг қамраш кенглиги бўйича параллел бир неча марта ишлов бериладиган майдон бурилиш йўлаги дейилади. Қийтиқлар 180° бурилиш усулида ишлов берилади.

5. Даланинг атрофи машина қуролининг қамраш кенглигига «айланиб ишлов бериш» усулида ишлов берилади. Агар дала тўғри бир томонли бўлса, бажариладиган ишни даланинг ўртасидан бошлаш мумкин, бошқа ҳолатларда ишлар даланинг четидан бошланиши лозим.

6. «Алмашлаб» ҳаракатланишлар қатор ораларига ишлов беришда қўлланилади.

7. Бир қатор фермер хўжаликларида ишлатиладиган машиналар ўнг ва чап томонга асосий ишлов берадиган турларга бўлинади. Уюмловчи плуглар, тортиш типли пресслагичлар, хаскашлар ва жуда кўп хилдаги тортиш типли йиғишириш комбайнлари иш жараёнини айнан шу хилда бажаради.

8. Кўплаб эрга ишлов берадиган агрегатлар технологик операцияни намунали бажариш учун тўғри чизиқли холатда ростланган бўлади.

9. Агар барча фермер хўжаликларида ишлатиладиган агрегатлар тўғри чизиқли ёки орқага судралувчан қилиб тракторга агрегатланса далада ишлов беришда юзага келадиган муаммолар қисқариши мумкин бўларди.

Назорат саволлари:

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари каби кластерлар, деҳқон фермер хўжаликларида ҳам машиналардан фойдаланишнинг асосий мақсади нима?

2. Қишлоқ хўжалиги машиналарининг мақбул таркиби ва уларни самарали бошқариш деганда нимани тушунасиз.

3. Машинанинг иш унуми; Машинанинг қуввати; Операторнинг фойдали иши. Шуларга тушунча беринг;

4. Машина иш унумининг қувват кўрсаткичларини тушунтиринг;

5. Машинанинг сифим кўрсаткичи деганда нимани тушунасиз?

6. Машинанинг самарали вақти тушунчасига изох беринг.
7. Даланинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларга нималар киради?
8. Қайси омилларга қараб қараб машинанинг далада ҳаракатланиш тезлигини чегаралаш мүмкін?
9. Турли қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги машиналарнинг қуввати ёки машина жиҳозларига кетган вақт сарфларига қайси вақтлар киради?
10. Машинанинг манёврчанлиги унинг иш үнумига қандай таъсир кўрсатади?
11. Осма ва тиркама машинали агрегатларнинг бурилиш радиуси бўйича тушунча беринг.

ИИ-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСЛАРИ

2.1-§. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари

Таянч иборалар: экспансив, интенсив ва саноат (индустриал) ишлаб чиқариш турлари, технология, технологик жараён, ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш иши, ишлаб чиқариш жараёнини таркиби.

2.1.1-§. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари

Республикамиз ҳудуди қишлоқ хўжалигига фойдаланиш жиҳатидан тоғли, тоғ олди, текислик (суғорма) ва чўл-яйлов минтақаларга бўлинади [10].

Тоғ ва тоғ олди минтақаси 90 минг квадрат километрни ёки республика ҳудудининг 20 фоизини ташкил этади. Тоғ олдида, релефи текисроқ тоғ ёнбағирларида ва механизмлар билан ишлаш мүмкін бўлган тоғ водийларида лалми (баҳорикор) дехқончилик қилинади. Лалми эрларда асосан ғалла экинлари–буғдой, арпа ва мойли экинлар (зиғир, кунжут, масхар, нўхот) экиласди. Тоғ-сой сувлари бу эрларда боғ ва токзорлар барпо этиш имконини беради.

Суғориладиган (обикор) дехқончилик минтақаси 80 минг квадрат километр эрни ёки умумий майдоннинг 18 фоизини ташкил этади. Тоғ

тизимлари орасида, шунингдек, ўлкамиздаги энг катта чўллар яқинида, ҳатто ана шу чўллар орасида ва дарё водийларида сувли воҳалар бор [10].

Фарғона, Чирчиқ–Оҳангарон, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхон-Шеробод водийлари ва Хоразм воҳаси ҳамда Қорақалпоғистонни ўз ичига олган Амударёning қўйи оқими энг йирик воҳалардан ҳисобланади.

Чўл-яйлов минтақаси Ўзбекистоннинг шимоли–ғарбидаги жуда катта текислик майдонларни (60 фоизи) эгаллади.

Қишлоқда яшаётган ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш, улар учун муносиб шарт-шароитларни яратиш учун ишга яроқли аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ишларини механизатсиялаш, илғор–инновацион технологиялар ва техникаларни жорий этиш, жаҳонда белгиланган ва кенг қўлланилаётган агротехник меъёрлар ва қоидаларга ҳамда дехқончилик ва дала маданиятларига амал қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оқилона ташкил этиш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш асосан экспрессив, интенсив ва индустрисал (саноат асосида) йўналишларда амалга оширилади.



2.1-расм. Экин майдонларидан тўлиқ фойдаланиш

Ексинтенсив йўналишда маҳсулотлар ҳажми экин майдонларини кўпайтириш, яъни, янги майдонларни ўзлаштириш, мелиоратив ишларни сифатли ташкил этиш, мавжуд далаларни ҳар бир қаричидан, яъни эрлардан тўлик фойдаланиш (2.1-расм) каби тадбирларни қўллаш орқали амалга оширилади.

Интенсив йўналишда маҳсулотлар ҳажми экинлар ҳосилдорлигини ошириш, яъни, замонавий илғор (инновацион) технологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, сувсизликка ва шўрга чидамли навларини экиш, ўсимликлар ривожланишини тезлаштирувчи, ҳосилдорлигини оширувчи биологик ҳамда кимёвий дорилардан фойдаланиш ва бошқа тадбирлар қўллаш ҳисобига эришилади (2.2-расм).



a)

б)

а- интенсив мевали боғлар яратиш; б- пахтани ҳосилдор навларини қўллаш

2.2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини интенсив усулда этиштириш

Индустрiali йўналишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришини саноат асосига ўтказишида бажарилиши шарт бўлган жараёнларни қўллаш талаб этилади.

Айниқса, ёпиқ майдонларда (иссиқхоналарда) ситрус ва сабзавот экинларини этиштириш қишлоқ хўжалиги экинларини саноат усулида этиштиришга яқинлашади (2.3-расм) ва бу усул келажакда асосий йўналиш бўлиб қолади.



2.3-расм. Иссикхоналарда йил давомида сабзавотлар этиштириш

Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар этиштириш бир қатор ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга боғлиқ. Бу жараёнлар ва ишларни белгиланган талаблар асосида ташкил этилиши этиштирилаётган маҳсулотнинг сифатига ва таннархига бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда мамлактимизда қишлоқ хўжалиги экинларини этиштиришда бажариладиган ишларни механизатсиялаш даражаси бирмунча паст бўлиб, бу кўрсатгич пахтачиликда 70-75%, ғаллачиликда 85-90%, эм-хашак тайёрлашда 80-85%, сабзавот-полизчиликда 70-75%, боғ ва узумчиликда эса 50-55% ни ташкил этмоқда [7,9,14,15,16,17].

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирларнинг қўпчилиги механизатсиялаштирилган. Аммо, экинларнинг ҳимоя зонасида бегона ўтларни ўтоқ қилиш, ғўза ниҳолларини яганалаш, ҳосилни йиғишишиб олиш ва бошқа кўпгина ишлар ҳамда асосий ишларни бажаришда қўлланиладиган ёрдамчи ишлар, масалан, сеялкаларга уруғ солиш ва бошқа ишларни тўлиқ механизатсиялаштириш талаб этилади.

2.1.2-§. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турлари, асосий тушунчалар ва таърифлар

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайдиган ҳар бир мутахассис этиштириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган технология, технологик жараён, ишлаб чиқариш жараёни ва бажариладиган ишлар тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўлиш керак.

Технология – бу белгиланган сифатдаги маҳсулотни олиш учун амалга ошириладиган биологик, кимёвий, физик ва агротехник жараёнлар йиғиндисидир.


Масалан: Пахта хом–ашёсини этиштириш технологиясини амалга оширишда далани ҳайдаш, минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш, тупроққа әкишдан олдин ва қатор орасига ишлов бериш, зааркунандаларга қарши курашиш, пахтани териб олиш ва бошқалар (жами 70 тадан ортиқ) ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш керак бўлади.

Технологик жараён – бу меҳнат предметига (тупрок, дон, пахта ва ҳ.) йўналтирилган таъсирлар жамланмаси бўлиб, унинг натижасида ишлов берилаётган материалнинг хоссаси, жойлашиши, ҳолати ўзгаради. Масалан: эр ҳайдаш жараёнида унинг зичлиги, намликни сақлаш қобиляти, донадорлиги, устки қисмини пастига ағдарилиши ва бошқа хоссалари ўзгаради.

Ишлаб чиқариш жараёни деб талаб этилган сифатга жавоб берадиган маҳсулот олиш мақсадида машина ва механизмлар томонидан белгиланган режимда (тезлик, меъёр ва сифатда) ва агротехник муддатда кетма-кет ва ўзаро боғланган ҳолда бажариладиган ишлар йиғиндисига айтилади.

Ишлаб чиқариш иши – бу техника воситаларини ишлов бериш предметига таъсирини англаатади.

Бажариладиган ишларга қуйидагилар: асосий (ер ҳайдаш, тирмалаш, молалаш, уруғ әкиш ва ҳ.), транспорт (урӯғ, ўғит, кимёвий препаратлар этказиб бериш ва ҳ.) ва ёрдамчи (агрегат ва далани ишга тайёрлаш) ишлар киради (2.4-расм).



2.4-расм. Ишлаб чиқариш жараёнининг таркиби

Ишлаб чиқариш жараёнлари сарфланадиган энергия манбаига ва фойдаланадиган воситаларнинг техник даражасига қараб: механизатсиялаштирилмаган (ғўзани ягана қилиш, бегона ўтдан тозалаш ва ҳ.); механизатсиялаштирилган (ер ҳайдаш, экиш, қатор орасига ишлов бериш ва ҳ.); электрлаштирилган (дон тозалаш, насос билан сув чиқариш, ифлосланган пахтани тозалаш ва ҳ.) ва автоматлаштирилган (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, иссиқхонада температура ва намликни сақлаш ва ҳ.) турларга бўлинади [7,9,]

Ҳаракатланганлик даражасига қараб - кўчиш ва муқим ҳолатда амалга ошириладиган жараёнлардан иборат.

Кўчиш усулида амалга ошириладиган жараёнларда ишлов бериладиган предметлар (ер, экилган экин, этиштирилган ҳосил ва бошқалар) кўзғалмайди,

балки ишлов бериш воситалари кўчиб ҳаракатланган ҳолда ишларни бажаради (2.5а-расм).

Муқим бажариладиган жараёнларда ишлов бериш воситаси қўзғалмас ҳолатда ўрнатилиб, ишлов бериш предмети (насосда сув чиқариш, донни тозалаш, эм-хашакни майдалаш ва ҳ.)унга узатилади (2.5б-расм).



а)

а –кўчиб юриш ҳолатида;



б)

б- муқим ҳолатда.

2.5-расм. Ҳаракатланганлик даражасига қараб амалга ошириладиган жараёнлар

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш қандай дехқончилик шароитида амалга оширилади?
2. Маҳсулот этиштиришнинг экспрессив, интенсив ва саноат усуларининг моҳиятини тушунтиринг.
3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштиришнинг асосий мақсади нимадан иборат?
4. Қишлоқ хўжалиги экинларини этиштиришда бажариладиган ишларни механизациялаш даражаси деганда нимани тушинасиз?
5. Ишлаб чиқариш жараёни деганда нимани тушинасиз?
6. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турларини айтинг.
7. Технологик жараёнларни ёрдамчи ишлардан фарқи нимада?
8. Ишлаб чиқариш технологияси деганда нимани тушинасиз?

2.2-§. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш технологияси ва

машиналар тизими

Таянч иборалар: замонавий, инновацион, интенсив, ресурстежамкор технологиялар, ишлаб чиқаришини комплекс механизатсиялаштириш, намунавий-минтақавий технологик ҳариталар, амалий технологик ҳариталарни тузиш, машиналар тизими.

2.2.1-§. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш технологиялари

Қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотлар этиштириш бир қатор ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришга боғлиқ. Бу жараёнлар ва ишларни белгиланган талаблар асосида ташкил этилиши этиштирилаётган маҳсулотнинг сифатига ва таннахига бевосита таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун талаб этиладиги асосий ва транспорт ишларнинг йиғиндиси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш технологиясини белгилайди.

Бунда бажариладиган ишларнинг сифат кўрсатгичлари, материалларни сарфлаш меъёрлари, муддатлари, воситалари, танланган воситаларнинг иш унуми, меҳнат ва ёқилғи сарфи ва бошқа кўрсатгичлар тўғрисидаги маълумотлар технологик ҳариталар [10] кўринишида тайёрланади ва бу маълумотлар фермер хўжаликларининг бизнес режасини тузишда асосий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари, тупроқ таркиби ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, замонавий, инновацион, интенсив, ресурстежовчи технологияларни жорий қилиш, дехқончиликда қўллнилаётган янги қишлоқ хўжалиги техникаларининг кўрсатгичлари ҳисобга олинган.

Ишлаб чиқаришда мавжуд машиналар ва технологиялардан ҳамда ишлаб чиқаришга яқин орада жорий қилиниши мўлжалланган машиналар, техник воситалар ва механизmlардан унумли фойдаланиш, шунингдек, инновацион-ресурстежовчи технологияларни кенг қўллаш ва қўл кучи билан бажариладиган ишлар ҳажмини қисқартириб, уларни механизmlар зиммасига юклаш назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштиришда маъданли ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари, кимёвий ва бошқа ашёлар миқдорлари,

технологик жараёнларни бажаришга кетган меҳнат сарфлари, механизатор-операторлар, ишчилар сони ва тоифалари, қишлоқ хўжалиги машиналари ва агрегатларига бўлган талаблар технологик ҳариталар ёрдамида аниқланади.

Шунинг учун фермер хўжаликларида технологик ҳариталардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш тадбирларини режалаштиришда ва бизнес режалар ишлаб чиқиша фойдаланилади.

Етиштириладиган ҳар бир экин турига, уларни этиштириш технологияларига мос ҳолда қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот этиштириш бўйича намунавий технологик ҳариталар ишлаб чиқилади (2.6-расм).



2.6 – расм. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот этиштириш бўйича намунавий технологик ҳариталар

Ушбу технологик ҳариталар илмий-тадқиқот институтлари ва жойлардаги тажрибали мутахассислар томонидан ҳар 5 йилда янгиланиб, унда сўнгги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқарилаётган, шунингдек, хорижий давлатлардан олиб келинаётган замонавий тракторлар ҳамда қишлоқ хўжалиги машиналаридан унумли фойдаланишга катта эътибор берилади.

Ҳар бир фермер хўжалиги мутахассислари томонидан бизнес-режа тузишдан олдин, намунавий технологик ҳариталар асосида хўжаликнинг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда экиладиган ҳар бир экин тури учун амалий технологик ҳариталар тузиб чиқилади ва худуднинг қайси

минтақага түғри келиши, ҳосилдорликни канчалик бўлишига қараб сарф харажатлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда пахта этиштириш бўйича намунавий технологик ҳариталар З та минтақа бўйича тузилган бўлиб, амалий технологик ҳариталарни тузишда хўжалик мутахассислари учун қўлланма вазифасини бажаради. Ушбу намунавий технологик ҳариталарда республика туманларининг мантақалар бўйича тақсимланиши 2.1-жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларининг минтақаларга бўлиниши

Биринчи минтақа	Иккинчи минтақа	Учинчи минтақа	Биринчи минтақа	Иккинчи минтақа	Учинчи минтақа
Андижон вилояти			Тошкент вилояти		
Олтинкўл		Бўз	Юқоричирчик	Ўртачирчик	Бекобод
Андижон		Улуғнор	Оҳангарон	Янгийўл	Қўйичирчик
Асака		Балиқчи	Чиноз		
Жалақудук			Пскент		
Избоскан			Оққўрғон		
Қўрғонтепа			Бўка		
Марҳамат			Зангиота		
Шаҳрихон			Паркент		
Пахтаобод			Қибрай		
Хўжаобод			Бўстонлиқ		
Булоқбоши					
Наманган вилояти			Самарқанд вилояти		
Косонсой	Норин	Мингбулоқ	Жомбой	Каттақўрғон	Пахтачи
Наманган	Тўрақўрғон	Поп	Оқдарё	Иштихон	Паяриқ
Үйчи	Чуст		Булунғур	Қўшработ	
Учқўрғон			Тойлоқ	Нарпай	
Чорток			Самарқанд	Нуробод	
Янгиқўрғон			Ургут	Пастдарғом	
Фарғона вилояти			Жиззах вилояти		
	Қўштепа	Ёзёвон		Жиззах	Зомин
	Бувайда			Ғаллаорол	Янгиобод
	Тошлоқ, Фарғона, Сўҳ			Дўстлик	
	Данғара, Учқўприк			Арнасой	
	Боғдод			Бахмал	
	Бешарик			Зарбдор	

	Фурқат, Құва			Зафаробод	
	Риштон			Мсирзачұл	
	Ўзбекистон			Пахтакор	
	Олтиариқ			Фориш	
Сурхондарё вилояти			Навоий вилояти		
Бойсун	Шўрчи, Узун	Термиз, Ангор		Хатирчи	Қизилтепа
Денов	Олтинсой	Қизириқ		Нурота	Конимек
Сариосиё	Қумқўрғон	Музрабод			Навбаҳор
	Жарқўрғон	Шеробод			Кармана
Қашқадарё вилояти			Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилояти барча туманлари		
Китоб	Қарши	Нишон			
Чироқчи	Косон	Муборак			
Шахрисабз	Ғузор	Миришкор			
Яккабоғ	Қамаши	Касби			
Дехқонобод					

Туманларни минтақаларга бўлиниши Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Республика фермерлар Кенгashi, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика касаба уюшмалари Федератсиясининн 2015 йил 4 июндаги тавсиялари асосида тузилган.

Пахта этиштирадиган фермер хўжалиги эрларини у ёки бу минтақага киритиш бирмунча шартли характерга эга. Чунки, бир туманнинг ҳудудида тупроғи турли минтақаларга тааллуқли бўлган эрлар мавжуд бўлиши мумкин.

Минтақалар ўзига хос ҳусусиятларига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

Биринчи минтақага юзаси сезиларли даражадаги қияликлардан иборат, ёғингарчилик нисбатан кўп бўлиб, чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш имкониятини бермайдиган ва нам тўплаш суви беришни тақазо этадиган тоғ олди эрлардан иборат.

Иккинчи минтақа юзасининг киялиги унчалик сезиларли бўлмаган, ёғингарчиликлар камроқ, чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олиш имкониятини бермайдиган ва нам тўплаш суви беришни тақазо этадиган тоғ олди эрлардан иборат.

Учинчи минтақа юзаси бир оз қия бўлган, тупроғи турли даражада шўрланган, экишдан олдин шўр ювиш талаб этиладиган майдонларни ўз ичига олади.

Ҳар бир кластер, давлат ва фермер хўжалиги учун амалий технологик ҳариталарни тузишдан мақсад:

- 1) минтақаларни ўзига хос тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда илғор агротадбирлар ва машиналар тизимидан самарали фойдаланиб, әкинлар этиштириш жараёнининг механизациялаш даражасини ошириш;
- 2) меҳнат ва моддий ресурслардан үнумли фойдаланиш;
- 3) маҳсулот этиштиришда ишчи кучи, ёқилғи, маъданли ўғитлар ва механизатсия сарфларини қисқартириш;
- 4) маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида фойдаланадиган техника ва жиҳозларни арzonроқ турлари билан алмаштириш;
- 5) бир ўтишда бир неча турдаги ишларни бажарадиган қурама (аралаш) агрегатлардан кенг фойдаланишдан иборат.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида эрдан фойдаланишнинг ўзига хос ҳусусиятлари, яъни, әкин майдонларининг кичиклиги, дала атрофига дарахтлар экилганлиги, дала шаклининг мураккаблиги, агрегатлар ишига ҳалақит берувчи тўсиқларни мавжудлиги иш үнумини пасайишига ва ёқилғи сарфини ошишига олиб келадиган омиллар ҳисобланади. Шунинг учун амалий технологик ҳариталарни тузишда хўжалик жойлашган ҳудудда юқорида кўрсатиб ўтилган омилларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда машиналарнинг иш үнумини аниқлашда ушбу омилларнинг таъсирини эътиборга оладиган маҳсус тузатиш коэффициентларидан фойдаланилади.

Мазкур намунавий технологик ҳариталардан тўғри фойдаланиш қишлоқ хўжалигида меҳнат үнумдорлигини ошириш, маҳсулот этиштиришда сарф-харажатларни меъёрида олиб боришни таъминлайди.

2.2.2-§. Машиналар тизими ва турлари

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланиши ишлаб чиқариш жараёнларини ҳар томонлама механизациялаштириш ва қўл меҳнатини машина иши билан алмаштириш йўлидан бормоқда.

Ҳар томонлама механизациялаштиришнинг биринчи босқичи – комплекс (тўлик) механизациялаштиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаштириш деганда, барча амаллар машиналар ва механизмлар билан бажариладиган механизациялаштириш тушунилади [7,9,14,15,16,17].

Машиналар тизими технологик жараён ва иш үнуми бўйича ўзаро боғланган, ишлаб чиқаришнинг ягона тугал технологик сиклидаги барча ишлаб

чиқариш жараёнларининг комплекс механизатсиялаштиришни таъминлайдиган машиналар ва транспорт воситалари мажмуидан иборат.

Машиналар тизими ишлаб чиқариш жараёнларининг жами технологик хусусиятларига боғлиқ. Шунинг учун қўйидагиларни фарқлаш керак:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг алоҳида соҳалари (дехқончилик, паррандачилик, чорвачилик) учун соҳа машиналар тизими;
- маълум экинлар (пахта, ғалла, полиз-сабзавот экинлари ва б.) учун машиналар тизими бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги машиналар тизимини вазифаси:

- маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча технологик жараёнларни комплекс механизатсиялаштиришни;
- барча ишларни агротехник муддатларда юқори сифатли бажаришни;
- меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳаражатларни камайтиришни;
- ишчи кучидан йил давомида текис фойдаланишни;
- техникадан самарали фойдаланишни таъминлаши лозим.

Машиналар тизимини илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотлари биргалиқда ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади. Машиналар тизимини ишлаб чиқишида тупроқнинг ва экинларнинг физик-механик хоссалари, жойларнинг паст-баландликлари, ишлов бериладиган далаларнинг катта-кичиклиги, экин майдонларининг структураси, ўсимликларнинг агротехникаси ва биологик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникасининг ривожланиш истиқболлари турли қувватларга эга бўлган энергетика воситаларни ва уларга мос ишчи машиналарни яратиш ҳамда улардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мавжуд ташкилий шаклларида (кластерлар, давлат ва дехқон-фермер хўжаликлари) юқори иш унуми билан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Назорат саволлари

1. Нима учун пахта этиштириш бўйича тузилган намунавий технологик ҳариталар минтақаларга бўлиб тузилган?
2. Амалий технологик ҳариталарни намунавий технологик ҳариталардан фарқини айтинг.

3. Амалий технологик ҳариталарни тузишдан мақсад нима?
4. Амалий технологик ҳариталарни тузища фермер хўжалигининг қайси хусусиятлари асос қилиб олинади?
5. Қишлоқ хўжалигида машиналарни қўлланишнинг ўзига хос хусусиятлари қандай бўлади? Мисол келтиринг.
6. Машиналар тизими деганда нима тушунилади? Мисол келтиринг.
7. Технологик жараённи комплекс механизатсиялаштириш деганда нима тушунилади? Мисол келтиринг.
8. Машиналар тизимини ишлаб чиқиша қандай омилларга алоҳида эътибор берилади?
9. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги машиналар тизимини вазифаларини айтинг.
10. Машиналар тизими ишлаб чиқариш жараёнларининг хусусиятларига караб тузиладиган қандай турларини биласиз?

2.3-§. Ишлаб чиқариш жараёнларининг воситалари ва ularни баҳолаш кўрсатгичлари

Таянч иборалар: қишлоқ хўжалиги агрегати, энергия манбаи, иш машинаси, машина-трактор агрегати, энергетика базаси, энергия воситаларининг турлари, агрегат таркиби, агрегатларни тузиш, баҳолаш кўрсаткичлар.

2.3.1-§. Ишлаб чиқариш воситаларининг таркиби ва ҳоссалари

Қишлоқ хўжалигидаги механизатсиялаштирилган дала ишларини бажаришда қишлоқ хўжалик агрегатлари асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади.

Енергия манбаи, иш машиналари ҳамда ularни энергия манбаига улаш ва энергия узатиш учун хизмат қиласидиган ёрдамчи қурилмалар биргаликда қишлоқ хўжалик агрегати деб аталади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда энергия манбаи сифатида трактор, ўзиорар шасси, ички ёнув ва электр двигателлари хизмат қилиши мумкин. Ҳар бир ишни бажариш учун алоҳида қишлоқ хўжалик


машиналари, қуроллари ва механизмларидан фойдаланилади. Ёрдамчи қурилмалар сифатида тиркагич, ўрнатгич ва бошқа қурилмалар ишлатилади.

Механик ва электр энергияси манбаи билан жиҳозланган қишлоқ хўжалик агрегатига машина-трактор агрегати деб айтилади (2.6-расм).

Ишлаб чиқариш ишларини бажаришда турли хилдаги ва кўринишдаги қишлоқ хўжалик агрегатлари қўлланилади.

Улар фойдаланиш хусусиятларига қараб қўйидагича таснифланади:

1. Ишни бажариш усулига қараб - ҳаракатланадиган, муқим-кўчма ҳолатда ишлайдиган;
2. Энергия манбаи турига қараб – иссиқлик ва электр двигателли;
3. Иш машинасини энергия манбаига улаш усулига қараб – тиркама, осма ва ярим осма;
4. Агрегатдаги машиналар сонига қараб – бир ва кўп машинали;
5. Бир пайтда бажариладиган иш турига қараб – оддий ва мураккаб;



2.6-расм. Эр ҳайдаш агрегатининг таркиби

6. Бажариладиган ишларнинг турига қараб – эр ҳайдаш, экиш ва х.;
7. Иш машинасига ҳаракат узатиш усулига қараб – тракторнинг қувват олиш валидан, машина ғилдирагидан ва алоҳида ўрнатилган двигателдан ҳаракат узатиладиган;

8. Иш машинасини тракторга нисбатан ўрнатилишига қараб – трактор олдига, ёнига, орқасига ва аралаш ўрнатилган;
9. Ишчи машиналарни агрегатнинг бўйига нисбатан ўрнатилишига қараб – симметрик ва асимметрик ўрнатилган;
10. Материал йиғиладиган сиғими мавжутлигига қараб – сиғими бор ва сиғими йўқ агрегатларга бўлинади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўлиқ механизатсиялаштиришда этиштириладиган экин турлари, дехқончилик усуллари (суғориладиган ёки лалми), экин майдонларининг ўлчамлари (юзаси, узунлиги, кенглиги, қиялиги), тупроқ турлари (соз, қумлоқ, тошли) ва иқлим шароитига мос келадиган тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш талаб этилади [7,9,].

2.3.2-§. Машина-трактор агрегатларини тузиш шартлари ва баҳолаш кўрсатгичлари

Механизатсиялаштирилган қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда қўлланиладиган агрегатларни тузишда қўйидаги талабларни бажарилишига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Аниқ минтақавий шароитлар учун ишларнинг сифати бўйича белгиланган кўрсатгичларни таъминлаши. Ушбу агротехник талабни бажарилиши қишлоқ хўжалиги экинларини этиштириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга ҳамда ҳосилни оширишга имкон беради, агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Кам меҳнат, восита ва фойдаланиш материаллари (ёқилғи, мой, эҳтиёт қисмлар ва бошқалар) сарфлаб юқори иш унумига эришиши. Бу талабни бажарилиши турли кўринишдаги тўхтаб туришлар учун кетган вақт сарфини қисқартириш (селялкаларни уруғлик ва ўғитлар билан тўлдириш, машиналар сиғимидаги материалларни бўшатиш ва х.), пайкал охирида салт юришларни камайтириш (агрегатнинг энг яхши ҳаракат усулини танлаш ҳисобига), тракторнинг энергетик ва тортиш кучидан самарадор фойдаланиш (агрегатнинг қамраш кенглиги билан унинг тезлиги орасидаги нисбатни тўғри танлаш), хизмат кўрсатувчилар сонини камайтириш (янада мукаммал агрегатларни қўллаш ва уларни автоматлаштириш) билан боғлиқ.

Кейинги жараённи бажарадиган машинани ишлаши учун керакли шароитлар яратиш. Ушбу талабга асосан қишлоқ хўжалиги экинларини

этиштириш технологиясини доимий ҳисобга олиш, ишларни кетма-кет бажарилишини таъминлаш зарур.

Механизатор ва ёрдамчи ишчилар учун хавфсиз ишлаши ва хизмат кўрсатишига қулай шароит яратиши. Бунга меҳнат мухофазаси, кечаси ишлаш учун ёритиш воситаларини тўғри жойлаштириш, дала шароитида технологик ростлаш ва техник қаров ўтказиш қулайлиги киради [7,9,14,15,16,17,18,19,20,21,22,23,24,25 ,26,2728,29,30].

Машиналар технологик жараённи бажараётганда уларнинг ишини баҳолаш учун турли кўрсаткичларни ҳисобга олувчи тизимли ёндашишдан фойдаланиш лозим.

Машиналарнинг ишини баҳолаш кўрсаткичларига қўйидагилар:

1) Агротехник кўрсаткичлар - булар машинанинг топшириқдаги технологик жараённи агротехник талабларга мувофиқ бажара олиш имконини тавсифлайди. Масалан, ишлов бериш чуқурлиги, экинларнинг ва уруғларнинг шикастланиши ва бошқалар.

2) Энергетик кўрсаткичлар – ишчи машинанинг энергетик хоссаларини тавсифлайди. Трактор учун мұхим энергетик кўрсаткич илмоқдаги қувват, ишчи машинада эса ишга сарфлайдиган энергия, яъни тортиш қаршилиги бўлади.

3) Маневрчанлик – бу машиналарнинг бурилувчанлиги, ўтағонлиги, ҳаракатнинг барқарорлиги, ташишга мослаштирилганлигини ифодалайди. Машинанинг маневрчанлик хусусиятларини мазкур муайян шароитлар учун агрегатларни танлашда ҳисобга олиш лозим.

4) Техник кўрсаткичлар – булар асосан, машиналарнинг пухталигини (умрбоқийлигини, кўпга чидамлилигини, таъмирбоплигини, бузилмасдан ишлашини, сақланувчанлигини), шунингдек техник кўрсаткичларини(вазни, шакли ва ҳ.к). белгилайди. Бу хусусиятларни машиналарнинг техник фойдалашиниташкиллаштиришда ҳисобга олиш зарур.

5) Техник-иқтисодий кўрсаткичлар – машинанинг иш үнуми, зарур меҳнат, пул маблағлари, ёқилғи-мой сарфлари ва ҳ.к. Бундай хусусиятларга металл ва энергия сарфлари ҳам киради.

6) Эргономик кўрсаткичлар – меҳнатнинг санитария-физиологик шароитларини, хизмат кўрсатиш қулайлигини, меҳнатнинг хавфсизлигини, эстетик кўрсаткичларни ифодалайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда қўлланиладиган машина-трактор агрегатларининг асосий энергия манбаи сифатида турли қувватларга эга бўлган ҳамда маҳаллий шароитларни ҳисобга

олган ҳолда мамлакатимиизда ишлаб чиқарилган ёки хорижий давлатлардан сотиб олинган (сертификатланган) тракторлар киради.

Фермер хўжалигидаги ишларни бажариш учун тузиладиган машина-трактор агрегатларининг энергетик воситалари ва ишчи машиналарини танлашда биринчи навбатда мамлакатимиизда ишлаб чиқарилаётган ва республикамиз шароитида давлат синовидан ўтган чет эл техникаларини танланишига алоҳида аҳамият берилиши керак бўлади.

Назорат саволлари:


1. Машина-трактор агрегатини таърифланг ҳамда асосий тузувчиларининг вазифаларини айтинг?
2. Агрегатларни қандай фойдаланиш турларни биласиз?
3. Тўғри тузилган машина-трактор агрегатига қандай талаблар қўйилади?
4. Агрегатларнинг ишини баҳолаш кўрсаткичларига нималар киради?
5. Чигит экиш сеялкаси тракторга тиркалишига қараб қандай агрегат турига киради?
2. Fўзани чилпиш машинаси тракторга нисбатан ўрнатилишига қараб қандай агрегат турига киради?
3. Машинанинг ёқилғи-мой сарфлари унинг қайси баҳолаш кўрсатгичларига киради?
4. Машинанинг техник кўрсаткичларига мисоллар келтиринг;
5. Машинанинг техник кўрсаткичларига мисоллар келтиринг;

2.4-§. Машина-трактор агрегатлари билан бажариладиган технологик жараёнларнинг тури

Машина-трактор агрегатларидан фойдаланишнинг ўзига ҳос шароити ва ҳусусиятлари мавжуд. Шунга кўра қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши шароити саноат ишлаб чиқаришидан фарқ қиласи.

Қишлоқ хўжалиги ишларини механизатсиялаш самарали бўлади, қачонки машина ўзининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари билан берилган технологик жараёнда фойдаланиш шароитига тўла жавоб бера олса.

Машина-трактор агрегатлари билан бажариладиган технологик жараёнлар турли операцияларнинг мажмумини ўз ичига олган бўлиб, тугалланган якунга эга бўлиши керак (2.7-расм).



2.7- расм. Ишлаб чиқаришда бажариладиган технологик жараёнларнинг тури

Қишлоқ хўжалигидаги механизатсиялаштирилган дала ишларини бажаришда қишлоқ хўжалик агрегатлари (ҚХА) асосий ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади.

Енергия манбаи, иш машиналари ҳамда уларни энергия манбаига улаш ва энергия узатиш учун хизмат қиласидиган ёрдамчи қурилмалар биргаликда қишлоқ хўжалик агрегати деб аталади (2.8-расм).



2.8-расм. Қишлоқ хўжалик агрегатининг таркиби

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда энергия манбай сифатида трактор, ўзиюрар шасси, ички ёнув ва электр двигателлари хизмат қилиши мумкин. Ҳар бир ишни бажариш учун алоҳида қишлоқ хўжалик машиналари, қуроллари ва механизмларидан фойдаланилади. Ёрдамчи қурилмалар сифатида тиркагич, ўрнатгич ва бошқа қурилмалар ишлатилади.

Механик ва электр энергияси манбаи билан жиҳозланган қишлоқ хўжалик агрегатига машина-трактор агрегати деб айтилади.

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўлиқ механизатсиялаштиришда этиштириладиган экин турлари, деҳқончилик усувлари (суғориладиган ёки лалми), экин майдонларининг ўлчамлари (юзаси, узунлиги), тупроқ (қумлоқ, соз, тошли) ва иқлим шароитига мос келадиган тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлатиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ишларини бажаришда турли хилдаги ва кўринишдаги қишлоқ хўжалик агрегатлари қўлланилади.

Улар фойдаланиш хусусиятларига қараб қўйидагича таснифланади:

1. Ишни бажариш усулига қараб - Ҳаракатланадиган, муқим ва муқим-кўчма ҳолатда ишлайдиган;
2. Энергия манбаи турига қараб – иссиқлик ва электр двигателли;
3. Иш машинасини энергия манбаига улаш усулига қараб – тиркама, осма ва ярим осма;
4. Агрегатдаги машиналар сонига қараб – бир ва кўп машинали;
5. Бир пайтда бажариладиган иш турига қараб – оддий ва мураккаб ;
6. Бажариладиган ишларнинг турига қараб – эр ҳайдаш, экиш ва ҳ.;
7. Иш машинасига Ҳаракат узатиш усулига қараб – тракторнинг қувват олиш валидан, машина ғилдирагидан ва алоҳида ўрнатилган двигателдан ҳаракат узатиладиган;
8. Иш машинасини тракторга нисбатан ўрнатилишига қараб – трактор олдига, ёнига, орқасига ва аралаш ўрнатилган;
9. Ишли машиналарни агрегатнинг бўйига нисбатан ўрнатилишига қараб – симметрик ва асимметрик ўрнатилган;
10. Материал йиғиладиган сиғими мавжутлигига қараб – сиғими бор ва сиғими йўқ агрегатларга бўлинади.

Механизатсиялаштирилган қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда қўлланиладиган агрегатларни тузишда қўйидаги талабларни бажарилишига алоҳида эътибор берилиши лозим:

Аниқ минтақавий шароитлар учун ишларнинг сифати бўйича белгиланган кўрсатгичларни таъминлаш. Ушбу агротехник талабни бажарилиши қишлоқ хўжалиги экинларини этиштириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга ҳамда ҳосилни оширишга имкон беради, агрегатлардан фойдаланиш самарадорлигини оширади;

Кам меҳнат, восита ва фойдаланиш материаллари (ёқилғи, мой, эҳтиёт қисмлар) сарфлаб юқори иш унумига эришиш. Бу талабни бажарилиши турли кўринишдаги тўхтаб туришлар учун кетган вақт сарфини қисқартириш (сейлкаларни уруғлик ва ўғитлар билан тўлдириш, машиналар сиғимиидаги материалларни бўшатиш ва х.), пайкал охирида салт юришларни камайтириш (агрегатнинг энг яхши Ҳаракат үсулини танлаш ҳисобига), тракторнинг энергетик ва тортиш кучидан самарадор фойдаланиш (агрегатнинг қамраш кенглиги билан үнинг тезлиги орасидаги нисбатни тўғри танлаш), хизмат кўрсатувчилар сонини камайтириш (янада мукаммал агрегатларни қўллаш ва уларни автоматлаштириш) билан боғлиқ;

Кейинги машинани ишлаши учун керакли шароитларни яратиш. Ушбу талабга асосан қишлоқ хўжалиги экинларини этиштириш технологиясини доимий ҳисобга олиш, ишларни кетма-кет бажарилишини таъминлаш зарур;

Механизатор ва ёрдамчи ишчилар учун хавфсиз ишлаши ва хизмат кўрсатишига қулай шароит яратиш. Меҳнат муҳофазаси, кечаси ишлаш учун ёритиш воситаларини тўғри жойлаштириш, дала шароитида технологик ростлаш ва техник қаров ўтказиш қулайлиги.

Машиналар технологик жараённи бажараётганда уларнинг ишини баҳолаш учун турли кўрсаткичларни ҳисобга оловчи тизимли ёндашишдан фойдаланиш лозим [7,9].

2.5-§. Ишлаб чиқаришни механизациялаштиришнинг ривожлантириш истиқболлари

Техникалардан фойдаланишда аввало уларнинг фойдаланиш кўрсатгичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг энг замонавий үсуллардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларнинг ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши талаб этилади.

Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги “2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник ва технологик қайта

қуроллантириш дастури түғрисида"ги ПҚ-1758-сонли қарорига кўра мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари белгилаб берилган бўлиб, бу йўналишлар қўйидагилардан иборат [1]:

- машина-трактор паркларини сифатли қишлоқ хўжалиги машиналари билан қайта жиҳозлаш;
- қуввати, иш унуми, ёқилғи сарфи ва бошқа кўрсатгичлари замонавий стандартларга мос келадиган янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;
- қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарини модернизациялаш ва техникавий қайта жиҳозлаш;
- қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва этказиб бериш тизимини такомиллаштириш;
- сервис хизмати тизимининг сифатини ошириш ва кенгайтириш;
- фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига этук мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимо ошириб боришдан иборат.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Президентимизнинг 2017 йил 24 майдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун мухандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-3003-сонли қарори қабул қилинди [4].

Ушбу қарорнинг асосий вазифаси фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарига этук мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини доимо ошириб боришдан иборат.

Кўйилган вазифаларни белгиланган муддатларда амалга оширилиши келажакда мамлакатимиз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда мухим рол ўйнайди.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш қандай дехқончилик шароитида амалга оширилади?
2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизатсиялаштиришнинг асосий мақсади нимадан иборат?

3. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва техникалардан самарали фойдаланиш истиқболлари қандай?
4. Ишлаб чиқариш жараёни деганда нимани тушунасиз?
5. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турларини тушунтиринг.
6. Технологик жараёнларни ёрдамчи ишлардан фарқи нимада?
7. Машина-трактор агрегатини таърифланг ҳамда асосий тузувчиларининг вазифаларини тушунтиринг.
8. Агрегатларни қандай фойдаланиш турларни биласиз?
9. Тўғри тузилган машина-трактор агрегатига қандай талаблар қўйилади?
10. Машина-трактор агрегатларининг асосий ҳоссаларини тушунтиринг.

ИИИ-боб. МАШИНАЛАРНИНГ ИШ УНУМИ

Таянч тушунчалар: меҳнат унумдорлиги, меҳнатни илмий ташкиллаштириш, ушларни механизатсиялаштириш, меҳнатни оқилона ташкиллаштириш ва жадаллаштириш, машинанинг иш унуми, турлари, фойдаланиш кўрсаткичлари, техникавий самарадорлик, аҳамияти.

3.1-§. Меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш үсуллари

Маълумки, **меҳнат унумдорлиги** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигининг энг муҳим кўрсатгичидан бири ҳисобланади. Унинг асосий мақсади ва вазифаси – **кам меҳнат сарфлаган ҳолда инсоннинг меҳнатидан кўпроқ фойда олишдир.**

Меҳнат унумдорлиги сарфланган меҳнат бирлигига (1 киши-кун, 1 киши-соат) тўғри келадиган маҳсулот миқдори билан аниқланади. Ҳар қандай меҳнат қўл кучи билан ёки турли кўринишдаги қуроллар ёрдамида амалга оширилади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда уни илмий асосда ташкил этиш муҳим рол ўйнайди. Меҳнатни илмий ташкиллаштириш – бу ишлаб чиқариши давомли, кетма-кет ва оғишимасдан яхшилаш ҳамда янги үсуллар, қуроллар, меҳнат шароитларини ва бошқарувни юқори савияда ташкиллаштириш демакдир.

Меҳнат самарадорлигини оширувчи чора-тадбирларни уча асосий йўналишда: ишларни механизатсиялаштириш, меҳнатни оқилона ташкиллаштириш ва жадаллаштириш йўналишларида олиб бориш мумкин.

Ишларни механизатсиялаштириш - қўл меҳнатини машина билан алмаштириш, меҳнатни энгиллаштирувчи турли мосламаларни ва кичик механизатсияларни қўллаш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат сарфини кескин камайтиришдан иборат.

Меҳнатни оқилона ташкиллаштириш – энг қулай иш шароитларини яратиш, ишлаб чиқариш жараёнларини олдиндан ҳисоблаш, одамлар ва техникани тўғри тақсимлаш, соатбай графиклар, асбоблар сифатини яхшилаш, материалларни иш учун қулай жойлаштириш, яъни иш жойини энг яхши тартибда ташкиллаштиришдан иборат.

Меҳнатини жадаллаштириш- ҳар бир ишчининг вазифаларни аниқ тақсимлаш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, яъни иш вақтини йўқотмаслик, ишчиларнинг малакасини ошириш ва умумий маданий савиясини кўтариш, шунингдек бошқа имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга айтилади [7,9].

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни ташкиллаштиришга илмий ёндошиш, унинг техник жиҳозланганлик даражасини ошириш муҳим касб этган ҳолда уни ташкиллаштириш анча мураккаб бўлади.

Бунда кадрлар билан таъминлаш ва уларни касбий тайёрлаш; корхона ичида ишлаб чиқариш соҳасига қараб меҳнатни тақсимлаш, ўриндошлиқ қилиш, шунингдек, жамоа ичида ҳам меҳнатни тақсимлаш, иш жойларини ташкиллаштириш, меҳнат жараёнларини бошқариш талаб этилади.

Шу билан бирга меҳнатни меъёrlаш ва ҳақ тўлаш масалалари ҳам меҳнатни ташкиллаштириш масалалари билан бевосита боғлиқдир.

Меҳнат унумдорлигини ошириш қонуни - жамиятимизнинг иқтисодий қонунларидан биридир. Меҳнат унумдорлигини ўсиши ишчилар сонини оширмасдан кўпроқ маҳсулот этиштириш имконини яратади.

3.2-§. Машинанинг иш үнуми

Меҳнат унумдорлигини белгилайдиган асосий омиллардан бири **қишлоқ хўжалик машинанинг иш үнуми** ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда фермер хўжаликаларида машиналар ишлаб чиқаришнинг бирдан - бир қуроли бўлиб, фойда келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда улардан самарали фойдаланишни тақоза этади.

Машинанинг иш унуми қишлоқ хўжалигида техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қаторига киради.

Таъриф. Машинанинг иш унуми деб, унинг томонидан муайян вақт давомида бажарган ва агротехник ёки зоотехник талабларга жавоб берадиган иш миқдорига айтилади.

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда машинанинг иш унуми ўлчовларига унинг тезлиги, қамраш кенглиги ва ишнинг сифати киради.

Машинанинг назарий иш унуми - унинг конструктив қамраш кенглиги, назарий ҳаракат тезлиги ва вақтдан тўлиқ фойдаланилганда, яъни тўхтовсиз ишлагандаги эришилган иш унумига айтилади.

Қишлоқ хўжалиги машинаси аксарият ҳолларда энергия манбаига уланиб дала майдонларла ҳаракатланиб технологик операцияни бажаргани учун агрегат деб юритилишини инобатга жлсак, у ҳокда агрегатнинг иш унуми қанчалик юқори бўлса, меҳнат унумдорлиги ҳам шунчалик юқори бўлади.

Таъриф. Агрегатнинг вақт бирлиги ичida белгиланган сифатдаги бажарган иш миқдорига қишлоқ хўжалик агрегатининг иш унуми дейилади.


Агрегат иш унуми қишлоқ хўжалигида техника воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлар қаторига киради.

Қишлоқ хўжалик агрегати бажарган фойдали иш миқдори гектарда (ер ҳайдаш, чигит экиш, қатор орасига ишлов бериш ва б.), тоннада (пахта териш, ғалла ўриш ва бошқалар), тонна-километрда (юқ ташиш ишлари), м.кубда (ариқ ва каналларни тозалаш), метрда (ўқариқлар олиш ва текислаш) ўлчанади

Агрегатнинг бир соат, смена, кунлик ва мавсумда бажарган иши юза ($га, м^2$), ҳажм ($л, м^3$) ва массавий ($кг, с, т$) бирликларда ифодаланади.

Агрегатнинг назарий иш унуми - унинг конструктив қамраш кенглиги (B_k), назарий ҳаракат тезлиги (u_m) ва вақтдан тўлиқ фойдаланилганда, яъни тўхтовсиз ишлагандаги эришилган иш унумига айтилади.

Агар конструктив қамраш кенглиги B_k бўлган агрегат (19-расм) бир соатда u_m назарий тезлик билан бетўхтов Ҳаракатланса, ишлов берилган тўғри тўртбурчак майдон ($B_k u_m$) агрегатнинг бир соатлик назарий иш унумини белгилайди.



19-расм. Қишлоқ хұжалиғи машинасидан тузилған агрегатнинг иш үнумини аниқлаш схемаси

Агрегатнинг бир соатдаги **назарий иш үнуми**, агар B_k метр ва v_t км/соатда олинса, қуйидагича топилади:

$$W_{s.n} = 1000B_k v_t \quad \text{м}^2/\text{соат}$$

Шу билан бирга 1 гектар = 10000 м² лиги ҳисобға олинса, у ҳолда

$$W_{s.n} = 0,1B_k v_t , \quad \text{га/соат}$$

Агрегатнинг смена вақти Тсм соат/смена да олинса, унда агрегатнинг сменадаги назарий иш үнуми қуйидагига тенг бўлади:

$$W_{s.n} = W_{sm} T_{sm} = 0,1B_k v_t , \quad \text{га/смена}$$

Машина-трактор агрегатининг асосан назарий соатлик ва сменавий иш үнумиларидан фойдаланилади.

Иш үнумини ўрганиш масаласи назарий ва амалий аҳамиятга эга. Агрегатлар иш үнумининг назарий тадқиқотлари уларнинг ишланма меъёrlари ва ёнилғи сарфини аниқлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Иш үнумини амалий жиҳатдан ўрганиш – бу кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, мақбул омилларни танлаш бўйича олимлар, конструкторлар, машинасозлик корхоналари ва машиналарни синовчи муҳандисларга асосланган тавсиялар бериш имконини беради [7,9].

Назорат саволлари:

1. Меҳнат үнумдорлиги деб нимага айтилади?

2. Меҳнат унумдорлигини вазифаси нимадан иборат?
3. Меҳнатни илмий ташкиллаштиришнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Меҳнат самарадорлигининг ошириш үсулларини айтинг.
5. Меҳнатни оқилона ташкиллаштиришга нималар киради?
6. Агрегатнинг назарий иш унуми нима ва у қандай бирликларда аниқланади?
7. Агрегатнинг назарий иш унуми унинг қандай кўрсатгичларини аниқлашда фойдаланилади?

3.3-§. Агрегатнинг ҳақиқий иш унумини моҳияти

Маълумки, иш вақтида агрегат тўғри чизик бўйлаб аниқ ҳаракатланмаслиги, ишлов берилган жойни қисман қўшиб қайта ишлиши, тракторнинг шатаксираши, салт юришлари, технологик ва техник хизмат кўрсатишда тўхтаб туриши ва бошқа сабабларга кўра унинг ҳақиқий иш унуми назарий иш унумига нисбатан фарқ қиласди.

Агрегатнинг ҳақиқий иш унумини аниқлашда унинг ҳақиқий қамраш кенглигини назарий қамраш кенглигига (β), ҳақиқий тезлигини назарий тезлигига(ε) ва тоза ишга кетган вақтни смена вақтига нисбати (τ) билан аниқланадиган фойдаланиш коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади [7,8,9,27].

У ҳолда агрегатнинг бир сменадаги ҳақиқий иш унуми қўйидагича аниқланади:

$$W_{t_i} = 0,1B_i v_i T_i = 0,1B_k \beta v_t \xi T_{sm} \tau, \quad \text{га/смена}$$

Ҳақиқий B_h ва конструктив B_k қамров кенгликлари орасида қўйидаги муносабат мавжуд: $\beta = \frac{B_h}{B_k}$, бундан $B_h = B_k \beta$ бунда β - агрегатнинг конструктив қамров кенглигидан фойдаланиш коэффициенти.

Конструктив B_k қамров кенглидан чала фойдаланиш сабаблари:

1) агрегатни хотўғри бошқариш – ишлов берилаётган майдонни қўшимча қопланишига ёки унинг бир қисмини қолиб кетишига олиб келади;

2) агрегатни нотұғри түзиш – масалан, танланған тракторнинг қуввати кенг қамровли машинани ишлатишга этмайди;

3) машина қисмларини нотұғри созлаш – плуг корпуслари бир-бирига ва рамага нисбатан түұғри ўрнатылмаса, қамров кенглигига путур этади;

4) қамров B_k кенглигидан чала фойдаланиш – баъзан “Кейс” комбайнлари билан юқори ҳосилли ғаллани ўришда оператор томонидан жатканинг бир қисмини бўш қолдириш ҳоллари учраб туради.

Агрегатларнинг ҳақиқий иш үнүмини ҳисоблашда B қамров кенглининг қийматлари:

- тиркама плүглар учун – 1,10;
- осма плүглар учун – 1,03...1,07;
- тишли бороналар учун – 0,95...0,98;
- тупроққа ёппасига ишлов берувчи күлтиваторлар учун – 0,96...0,98;
- барча турдаги сеялкалар учун – 1,0;
- силос комбайнлари учун – 0,95...1,0;
- маккажүхори комбайнлари учун – 1,0.

Маълумки, ҳар қандай агрегат муайян технологик операцияни бажаришда шу операцияга мос агротехнологик ишчи v_i тезлик билан ҳаракатланади. Унинг қийматлари қуйидаги омиллар таъсирида назарий v_n тезликтан фарқ қиласи.

Бу омилларнинг таъсири тезлиқдан фойдаланиш ξ коэффициенти нисбат ёрдамида топилади.

$$\xi = \frac{v_i}{v_t}, \quad \text{бундан } v_i = v_t \xi.$$

Бу омилларга қуйидагилар киради:

- 1) трактор ҳаракатлантиргичлари (ғилдирак, занжир) нинг шатаксираши;
- 2) машинага тушаётган юкланиш қийматларини ўзгариши (тупроқнинг турли қаршиликлари, әкинлар ҳосилдорлигининг майдон бўйлаб бир текис бўлмаслиги ва б.) туфайли ғилдираклар (юлдузчалар)нинг айланиш частоталарини камайиши;
- 3) ғилдирак динамик r_d радиусининг ўзгариши (тупроқнинг турлича кўтариш қобилияти туфайли шиналарнинг деформатсияланиши,).

Агрегатнинг соф (фойдали) иш вақти T_i смена вақти T_{sm} дан доимо кичик бўлади. Чунки, механизатсиялашган ишларни бажаришда смена вақтининг бир қисми далага кириш ва чиқишга, қайрилишларга, машинани ёнилғи, ўғит ёки уруғ билан юклашга, носозликларни бартараф этишга, техник хизмат кўрсатишга ва бошқа хилдаги тўхташларга сарфланади.

Вақтдан фойдаланиш даражаси смена вақтидан фойдаланиш коэффициенти τ билан баҳоланади:

$$\tau = \frac{T_i}{T_{sm}}, \text{ бундан } T_i = T_{sm} \tau.$$

Тезликдан фойдаланиш коэффициенти $\xi = \frac{v_i}{v_t}$ асосан тракторнинг

шатаксирашига боғлиқ бўлиб, унинг миқдори ғилдиракли тракторлар учун 0,6...0,9, занжирли тракторлар учун 0,85...0,98 ни ташкил этади.

Тезлик муҳим ўлчов ҳисобланади, чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йил мавсумларига, оби-ҳавонинг салбий таъсирига, ўсимликларнинг ривожланиш даражасига ва ишлов бериладиган жисмнинг (тупроқ, ишлаб чиқариш маҳсулотлари) ҳолатига боғлиқ бўлган ва ўз муддатида бажариш талаб этиладиган ишлар мажмуасидан иборат бўлади.

Буни шундай тушунтириш мумкинки, ҳар бир дала ўзига ҳос тавсифларга эга (суғориш эгатлари, экинлар тури, тупроқнинг қаттиқ-юмшоқлиги, ўсимликларнинг бўйи ва эни, машиналарнинг техник ҳолатининг йиғим-терим даврида бир хил бўлмаслиги ва бошқалар) эканлигини унутмаслик керак.

Маълумки, ҳар қандай машина муайян ишни (операцияни) бажаришда шу ишга мос ишчи тезлик билан ҳаракатланиши талаб этилади. Масалан, агрегат ғўза қатор орасига биринчи ишлов беришда 4-6 км/соат атрофида, кейингиларида 8-9 км/соат ва охирги ишлов беришда 5-7 км/соат тезликкарда ҳаракатланади.

Худди шундай ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб оладиган комбайнлар ишлаганда мақбул ҳаракат тезлиги даладаги ғалла экинларининг ҳолати, ҳосилдорлиги, пояларнинг бўйи, қирқиш баландлиги, ғалланинг сомондорлик даражаси, комбайннинг қамраш кенглиги, иш унуми ва ўтказиш имконига қараб белгиланади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда атроф-мухитнинг табиий-иқлим шароитларини ўзгаришини машиналарнинг техникавий иш унуми ва

ишининг бажариш сифатига таъсир этувчи омиллар ва улар келтириб чиқарадиган салбий ҳолатлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда машиналарнинг иш үнуми ва сифатига таъсир этувчи омиллар

№	Шароитлар тури	Таъсир этувчи омиллар	Салбий ҳолатлар
1	Мавсум ўзгариши (баҳор, ёз, куз, қиш фасллари)	Намлик ва иссиқлик даражани меъёрдан ортиши ёки камайиши	Машинанинг тезлиги ва иш сифатини пасайиши
2	Об-ҳавонинг ўзгариши (қор, ёмғир, туман, шамол, чанг ва тўзон)	Атроф-муҳитни кўриш даражасининг пасайиши	Жараённи назорат қилишни ёмонлашуви
3	Ўсимликларни ривожланиши (пояси ва илдиз тизими)	Материалга ишлов бериш режими ва кўрсатгич-ларини ўзгариши	Ўсимлик пояси ва ҳосилига зиён этказилиши
4	Ишлов бериш пред-мети ҳолатининг ўзга-риши (зичлиги, ҳосилдорлиги)	Машинанинг қаршилигини ўзгариши	Иш сифатини пасайиши ва материаллар исрофгарчилигини ошиши

Машинанинг мақбул ва чекка иш юриш тезлиги қийматлари илмий ва амалий тадқиқотлар натижаларига асосан қўйидагилар, яъни:

- агротехник ва хавфсизлик талаблари;
- минимал (енг кам) энергия ва ёқилғи сарфлари;
- агрегатнинг турли қамраш кенгликлари учун алоҳида шартларга кўра тажрибалар асосиба аниқланади.

3.3.1-§. Агрегатнинг ҳақиқий (соғ) иш вақтини ошириш имкониятлари

Смена вақти (Тсм) куйидаги ташкил этувчилардан иборат:

$$T_{cm} = T_{uu} + T_{c.yor} + T_{tex} + T_{mxk} + T_{byz} + T_{tjpr} + T_{e\acute{k}} + T_{ox\acute{y}} + T_{fiz} + T_{ic}$$

бундан тоза иш вақти:

$$T_{ish} = T_{cm} - T_{c.yor} - T_{mex} - T_{mkk} - T_{byz} - T_{tjpr} - T_{eek} - T_{oxj} - T_{fiz} - T_{uc}.$$

бу эрда: T_{ish} - ишни бажариш учун кетган тоза вақт; $T_{c.yor}$ - салт юришлар учун кетган вақт; T_{mex} - технологик хизмат кўрсатиш (уруғ солиш, сиғимдаги материал ва маҳсулотларни транспорт воситасига тўкиш) учун кетган вақт; T_{mkk} – техник хизмат кўрсатиш учун кетган вақт; T_{byz} - бузилишларни бартараф этиш учун кетган вақт; T_{tjpr} – технологик жараённи ростлаш (уруғ тушмай қолиши , ишчи қисмларни тозалаш) учун кетган вақт; T_{eek} – ёқилғи йўқлиги учун тўхтаб турганлиги учун кетган вақт; T_{oxj} - об-ҳаво ўзгариши (ёмғир, қор, шамол, туман) туфайли бекор туриш учун кетган вақт; T_{fiz} – тракторчи ва ёрдамчи ишчиларнинг физологик ва майший эҳтиёжлари учун (нохушлик ва б.) кетган вақт; T_{uc} . – иш сифатини назорат қилиш учун кетган вақт ва бошқалар.

Агрегатнинг иш унумини оширишда қуйидагиларга алоҳида аҳамият бериш лозим: қамраш кенглиги ва иш тезлиги мақбул бўлган агрегатлар тузиш; тезкор ва серқувват тракторлардан кенг фойдаланиш; Кенг қамровли ва қурама агрегатлардан фойдаланиш; Вақтдан фойдаланиш коэффициентини оширишга ёрдан берадиган меҳнатни илмий ташкил қилишнинг илғор усувларини (агрегатларни гуруҳларга бўлиб ишлатиш ва б.) қўллаш; Тракторчилар ва ёрдамчи ишчиларнинг малакасини доимо ошириб бориш.

3.4-§. Агрегат иш унумини оширишнинг асосий заҳиралари

Агрегатлар иш унуми даражасига ташкилий-хўжалик, техниковий, ташкилий-технологик ва сотсиологик омиллар қатта таъсир кўрсатади.

Ташкилий-хўжалик заҳиралари:

- ер майдонининг катталиги ва экин турларига қараб фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини механизатсиялаш учун талаб этиладиган машина турлари ва миқдорларини аниқлаш.

Шуни унутмаслик керакки, машиналарнинг меъёрдан ортиқчалиги ҳам, камлиги ҳам хўжаликларга зарар келтиради;

- машиналарни йил давомида мақбул юкланишини таъминлаш;
- асосий экинлардан, шу жумладан ғалладан бўшаган майдонларга такрорий ёки оралиқ экинларни экиш;

- агрегатларни сменавий (кундалик) иш унумини кескин ошириш (двигателнинг номинал қувватидан 30-40% кам фойдаланиш ёнилғининг солиштирма сарфини 10-12 фоизга ошириб юборади);
- фермер хўжаликларида далачилик ишларининг кетма-кетлигига қатъий амал қилиш;
- алоҳида машина, машиналар гурӯҳи ва бутун (яхлит) машина парки ишини оператив бошқариш (машиналарни отряд усулида ишлатиш, диспетчерлик хизматини йўлга қўйиш).

Техникавий заҳиралари:

- машина деталлари, узеллари, айниқса технологик материаллар билан ўзаро таъсирда бўлган ишчи қисмлар пухталигини ошириш (бузилишлар сони кескин камаяди);
- трактор (двигател) қувватидан тўла фойдаланиш (тракторни комбинатсиялашган ва кенг қамровли машиналар билан агрегатлаш);
- руҳсат этилган қиялиқдаги таянч текисликлари бўйлаб ҳаракатланиш (қиялик бурчаги меъёрда бўлган далаларда ишлаш);
- агрегатнинг салт ҳаракати улушини камайтириш (ёнма-ён жойлашган далалардаги технологик операцияларни навбати билан бажариш);
- ғилдиракларнинг шатаксираф ишлашига йўл қўймаслик (лой ёки намлиги меъёрдан ортиқ далаларда ишламаслик, шина протекторлари ва занжир тишларини эдирилмаган бўлиши);
- машиналарни оптимал юкланиш-тезлик режимларида ишлатиш (агротехнологик тезликда ишлатиш);
- даладаги тупроқнинг механик-физик хусусиятлари ва экинлар ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, тупроқقا ишлов берувчи ва ўрим-ийғим техникаларининг иш тезликларини ўрнатиш;
- машиналарни зўриқишлардан сақловчи ва автоматик қурилмалар билан жиҳозлаш.

Ташкилий-технологик заҳиралари:

- далаларни машиналарнинг ишлаши учун тайёрлаш;
- ҳар бир технологик операция учун агрегатни ҳаракатланиш усулини танлаш;
- дала агрофони кўрсаткичларига қараб машиналарни ростлаш;
- агрегатларга ўз муддатида сифатли техник хизмат кўрсатиш (агрегатларни смена, кун ва мавсум давомида бенўқсон ишлаши таъминланади).

- Сотсиологик захиралари:
- ҳар бир трактор, комбайн ва машинани билимли, малакали механизатор қўлига топшириш;
- фермер хўжаликлари машина саройлари, МТП устахоналарини малакали чилангарлар, мұхандис-техник ходимлар билан бутлаш;
- ходимларни янги техника воситаларини бошқариш, таъмирлаш ва уларга сменавий, мавсумий ТХК қоидаларини ўргатиш;
- иш ҳақларини ўз вақтида бериб бориш, намунали ходимларни моддий рағбатлантириш, механизатор ва чилангарлар меҳнатини мұхофазалаш.

Назорат саволлари:

1. Агрегатнинг ҳақиқий иш үнуми назарий иш үнумидан қандай фарқ қиласди?
2. Агрегатнинг ҳақиқий иш үнумини аниқлашдан қандай коэффициентлардан фойдаланилади?
3. Агрегатнинг қамраш кенглигидан фойдаланиш коэффициенти қандай аниқланади ва унинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Агрегатнинг тезлигидан фойдаланиш коэффициентининг моҳиятини тушинтиринг.
5. мена вақтидан фойдаланиш коэффициенти қандай аниқланади? Уни қандай ошириш йўлларини биласиз?

ИВ-боб. МАШИННИНГ ТЕХНИКАВИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Таянч тушунчалар: техникавий самарадорлик, аҳамияти, агрегат, иш режимлар, иш үнуми, самарадорлик, вақт, фойдали иш, коэффициент, иш юриш, салт юриш, майдон, схема, параметр. даланинг шакли ҳамда агрегатнинг иш ва салт юришдаги тезлиги ва параметрларини нисбий коэффициентлари, техникавий самарадорликка таъсир этувчи омиллар.

4.1-§. Машинанинг техникавий самарадорлигини ишлаб чиқаришдаги аҳамияти

Республикамиз қишлоқ хўжалигида экинлар экиладиган эр майдонларининг шакли ва майдони (юзаси) фермер хўжалиги жойлашган минтақанинг табиий рельефи ва суғориш усулларининг ўзига ҳос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бўлиб, уларнинг ўлчамларини ўзгартириш имконияти чекланган.

Шунинг учун мавжуд эр майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига ҳос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машиналарнинг мақбул таркибини танлаб ишлатиш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида юқори унумли, янги, замонавий дизайнли, бошқариш осон бўлган машиналардан фойдаланиш, энг аввало уларнинг фойдаланиш кўрсатгичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг замонавий усулларини қўллаш ҳамда бажариладиган ишларни ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинишини тақоза этади.

Бунинг учун ҳар бир машина қишлоқ хўжалиги ишларига қўйилган талабларни бажара олиши учун керакли фойдаланиш ҳоссаларига эга бўлиши зарур. Акс ҳолда талабга жавоб бермайдиган машинанинг иши ундан кейин бажариладиган ишнинг сифатини кескин пасайишига олиб келади.

Обикор (суформа) ва лалмикор дехқончилик қилинадиган майдонларга машиналар билан ишлов беришда дала ўлчамларини аҳамияти турлича бўлиб, бу кўрсатгичлар далада ишлаётган машинанинг иш унуми ва техникавий самарадорлигини ўзгаришига катта таъсир кўрсатади.

Обикор дехқончилик шароитида дала шаклини турлича бўлиши, майдон юзасини катта ёки кичиклиги, узун ёки қисқалиги, паст ёки баландлиги, нишоблиги машинанинг техник самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Лалмикор дехқончилик шароитида даланинг умумий кўрсатгичларининг машинанинг техник самарадорлигига таъсири унчалик муҳим эмас. Бу шароитда даланинг қиялилк даражаси машинанинг техникавий иш унуми ва самарадорлигига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади.

Бу кўрсатгичларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида экин майдонларининг кўрсатгичларини экиладиган экинлар тури, суғориш усуллари, тупроқ-иқлим шароити ва рельефини ҳисобга олган ҳолда олдиндан мақбуллаштириши ва сифатли қилиб тайёрланишига боғлик.

Машиналар дала шароитида ишни бажариш пайтида ҳар сафар дала охирида бурилиб, салт юришлар бажаради (4.1-расм).



а)



б)

4.1.расм. Машинанинг дала бўйлаб иш (а) ва (салт) юришлари

Бундаги салт юришлар далада технологик ишни бажариш билан боғлиқ бўлиб, улар қабул қилинган бурилиш усули ва оператор (механизатор)нинг машинани бошқариш қобиляти ва маҳоратига боғлиқ бўлади.

Машинани ҳар бир километр ошиқча салт юриши унинг иш үнумини камайишига ва ёқилғи сарфини ошишига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир машинага дала бўйлаб ҳаракатланиш ва бурилиш усуллари ҳамда дала ўлчамларини шундай танлаш керакки, бунда салт йўлнинг үзунлигини энг кам бўлишига эришиш талаб этилади.

Машина далага ишлов бермагандан у вақтини бекорга сарфлаган ҳисобланади. Унинг далада ишлаётган пайтдаги салт юришларини иложи борича қисқартириш қимматбаҳо иш вақтини ва энергия сарфини камайтириш имконини беради.

4.2-§. Машиналар техникавий самарадорлигининг назарий асослари

Таянч тушунчалар: машина, агрегат, иш режимлар, иш үнуми, самарадорлик, вақт, фойдали иш, коэффициент, иш юриш, салт юриш, майдон, схема, параметр.

Бу бобда машина-трактор агрегатларининг иш режимларини мақбуллашнинг ҳар хил усулларининг таҳлили бошқа муаллифларнинг қувватли двигателлар ва интеллектуал бортли ахборот-бошқарув тизимидан ташкил топган машина-трактор агрегатларидан самарали фойдаланишга бағишиланган ишлари бўйича маълумотлар берилади ва қишлоқ хўжалиги

агрегатларидан фойдаланиш самарасини оширувчи омиллар таҳлил қилинган [19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27].

Агрегатнинг иш ва салт юриши тезликларини ҳисобга олувчи коэффициент A операторнинг маҳоратига боғлиқ бўлиши, салт юриш тезлиги иш юриш тезлигига тенглаштирилганда ($u_c=u_u$) фойдаланиш самарадорлигининг энг юқори бўлиши, ишлов бериш узунлигининг ортиб бориши даланинг бўйи ва энини ҳисобга олувчи коэффициентни ($B \leq 1$) камайишига, фойдаланиш самарадорлигининг ортишига олиб келиши, кичик майдонларга нисбатан катта майдонларда агрегатнинг фойдаланиш самарадорлигининг юқори бўлиши, салт юриш узунлиги унинг кинематик узунлиги ва бурилиш радиусига боғлиқлиги, комбинатсиялаштирилган ва тиркама қишлоқ хўжалик машиналардан тузилган агрегатлардан фойдаланишда самарадорлигининг кам бўлиши, осма ва манёврчанлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалик машиналаридан тузилган агрегатлардан фойдаланишда самарадорлиги юқори бўлиши назарий жиҳатдан тушунтирилади.

Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналаридан тузилган қишлоқ хўжалиги агрегатларининг самарасини талаб этиладиган мақбул ўлчамдаги майдонларда мақбул ҳаракатланишидан ошириш бўйича назарий асосланган тавсиялар берилади. Қишлоқ хўжалиги агрегатининг фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар – эр майдонининг ўлчамлари ҳамда агрегатнинг иш режими ва параметрларига боғлиқ ҳолда унинг фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар шакллантиришга асослар берилади.

Хозирги замонавий шароитда қишлоқ хўжалиги агрегатларидан самарави фойдаланиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим ўринни эгалламоқда. Қишлоқ хўжалиги агрегатларидан фойдаланишни тўла баҳолаш учун биринчи навбатда техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг индикаторини характерловчи тракторларнинг юкланишини инобатга олиш керак деган қарашлар мавжуд. Трактор юкланишининг асосий базавий кўрсаткичларидан бири унинг ўртача бир соатлик иш унуми ҳисобланган. Бир соатлик иш унумининг фойдаланилган вақтга кўпайтмаси сменалик, кунлик, ойлик ва йиллик иш унумини ҳосил қиласди. Бунда қишлоқ хўжалик агрегатининг самарави ишининг үмумлашган кўрсаткичи фойдали иш коэффициенти ҳисобланади

$$K_{f.i.k.} = \frac{V_x}{V_{b.m.b.}} = \frac{V_x}{N_e D_{i.k.} H_{kvt}} \quad (4.1)$$

бу эрда B_x – қишлоқ хўжалиги агрегатининг бажарган ҳақиқий иш ҳажми, га; $B_{б.м.б}$ – қишлоқ хўжалиги агрегатининг бажариши мумкин бўлган иш ҳажми, га; H_e – агрегатнинг энергетик қуввати, кВт; $D_{и.к.}$ – календар иш кунлари сони, кун; $H_{кВт}$ – бир кВт энергияга тўғри келадиган иш унуми, га.

Формуланинг (4.1) таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги агрегатининг белгиланган вақт оралиғида бекор туриб қолиш вақти қанча кам бўлса унинг ҳақиқий бажарган иш ҳажми бажариши мумкин бўлган иш ҳажмига яқинлашади, коэффициент қиймати юқори бўлади, оқибатда агрегатдан самарали фойдаланишга эришилади.

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда агрегатлардан самарали фойдаланишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири қаторида бир шартли гектарнинг таннархи қабул қилинган.

Кўриб чиқилаётган муаммонинг хозирги ҳолатининг таҳлили. Қишлоқ хўжалиги агрегатларидан самарали фойдаланишда уларнинг иш унумини оширишни инобатга олиш керак деган қарашлар ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалиги агрегатларининг иш унумини ошириш уларнинг қамров кенлигини, тракторнинг тортиш кучини ёки тезлигини ошириш йўли билан амалга оширилиши маълум агротехник чегарага эга бўлиб назарий ва экспериментал йўллар билан исботланган. Чунки, трактор двигателининг қувватини оширишда унинг массаси ортиб, ғилдиракларига тушадиган юкланиш ортади. Агар истиқболли ҳисобланган кенг қамровли ва комбинатсиялашган агрегатлардан фойдаланилса технологик қисмларининг оғирлигини ортишига олиб келиши натижасида тракторнинг ғилдирагига тушадиган юкланишнинг ортиши, юриш қисмларининг тупроқقا берадиган босимнинг ортишига олиб келади. Тупроқнинг физик-механик ҳоссаларини бўзилиши оқибатида ҳосилдорликнинг пасайиши, трактор ғилдиракларидаги юкланишнинг ортиши ва тупроқقا кўрсатиладиган босимнинг ортиши рўй беради. Тажрибаларда тупроқقا бериладиган босимнинг 150 кПа дан 200 кПа га ортишида ҳосилни кўзда тутилгандан кўра камлигининг ортиши 1,5..2 баравар бўлиши аниқланган. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида алтернатив сифатида хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг техникалари кенг қўлланилмоқда. Лекин одатдаги мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган техникалар билан хорижий техникаларнинг сменалик иш унумлари, ёнилғи сарфи қийматлари ҳамда двигателларнинг оптималь режимлари каби тўла ва ишончли информатсияларнинг йўқлиги, агрегатларнинг максимал иш унумини

таъминлаш мақсадида уларнинг мақбул иш режимларини танлаш имконини бермаслиги тўғрисидаги қарашлар ҳам мавжуд. Яъни амалий жиҳатдан ташқи кучларнинг нотекис ўзгарувчанлиги туфайли энергетик имкониятларидан энг юқори самарада фойдаланиш учун двигателнинг иш режими сифатида номинал юкланишини танлашнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳар хил мақбуллаш мезонлар сифатида двигателнинг энг қулай режимини танлаш учун агрегат иш унуми, ёнилғи сарфи, келтирилган харажатлар, жараённинг энергияҳажмдорлиги, таннарх ва бошқа кўрсаткичлар қабул қилинмоқда.


Замонавий тракторлар одатда тирсакли вали юқори айланиш частотасига эга бўлган кучли қувватли двигателлар билан жиҳозланган бўлиб, уларнинг тортиш синфи орасидаги фарқ йўқотилган. Фойдаланувчилар томонидан машина-трактор агрегатларини тузишда таркибидаги қишлоқ хўжалиги машиналарининг тортишга қаршилиги умумий ҳолларда тортиш синфига мос келган. Хорижий тракторлар бундан мустасно бўлиб, асосан двигател қувватларининг оралиқ қийматлари бўйича катта чегарада турланади. Бу тракторлар двигателлари этарлича катта юкланиш коэффициентига эгадир. Шунинг учун бундай энергетик воситалардан тузилган машина-трактор агрегатларидан самарали фойдаланиш реал бажариладиган ишларни ҳисоблаш мезони бўйича амалга оширилиши керак. Ва хоҳлангки, фермерлар ҳаммадан ҳам кўпроқ техникалардан фойдаланишда иш унуми ва иқтисод масалаларига эътибор бериб, двигателнинг ҳар бир куввати катта самара беришини кўзлайдилар. Шунинг учун мақбуллаш (машина-трактор агрегатининг иш режимини танлаш) мезони сифатида энг кам солиширма энергия сарфи таклиф этилган.

Хозирги кунда қишлоқ хўжалиги ақлли дехқончилик асрига кириб келган. Бу тушунча анча аҳамиятли, кенг ва аниқ дехқончилик бўлиб, интеллектуал тизимлардан инсоннинг аралашувисиз фойдаланишни ўз ичига олади. Ақлли дехқончилик технологияси бир бири билан жипс боғланган иккита гурӯхдан ташкил топган. Буларга бортли ахборот-бошқарув тизимидан ташкил топган машина-трактор агрегати ва маълумотларни таҳлил қилувчи сервер тизими киради. Ақлли дехқончилик комплекс тизимдан ташкил топган бўлиб қишлоқ хўжалигини, машинасозликни, ахборот технологияларни қамраб олган мураккаб тизим ҳисобланиб агрегатлардан фойдаланишда операторлардан катта малака ва маҳоратни талаб этади.

Бу бобда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий техникалардан тузилган қишлоқ хўжалиги агрегатларидан амалда самарали фойдаланиш, энг

аввало уларнинг фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига иш унумини оширишнинг замонавий усуllibардан фойдаланиш ҳамда бажариладиган ишларни ташкил этишнинг янги тартиб ва қоидаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш масаласи кўтарилиган.

Шунга кўра агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлиги биринчи навбатда эр майдонининг ўлчамлари (бўйи, эни, нишаблиги) ҳамда шаклига боғлиқ бўлиши, суғориладиган дехқончилик шароитида майдонларнинг мақбул ўлчами 20-40 гектар, шакли тўғри тўртбурчак ва ўртача нишаблиги $\pm 0,03-0,05$ фоизни ташкил этиши тавсия этилади (4.2-расм).



**4.2-расм. Агрегат билан ишлов бериладиган майдоннинг ўлчамлари (а)
ва унинг дала охирида бурилиш схемаси (б)**

Ҳар бир қишлоқ хўжалик агрегатидан бевосита дала шароитида фойдаланиш жараёнида фойдаланиш самарадорлиги унинг самарали (майдон бўйлаб иш юришлари учун сарфланган) вақтни умумий (иш ва салт юришлари учун сарфланган) вақтга нисбатини фоизларда аниқланган қиймати билан белгиланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агрегат иш бажармай майдонда салт юрганда иш вақти бекорга сарфланган ҳисобланади. Агрегатнинг майдонда ҳаракатланиб технологик ишни бажариш жараёнида салт юришларга сарфланадиган вақтни иложи борича қисқартиришга эришиш қимматли иш вақтини ва энергия сарфини камайтириш имконини беради.

Таъриф. Ҳар бир қишлоқ хўжалик машинасини далада тўхтовсиз ишлатиш жараёнида унинг самарали вақтини, яъни дала бўйлаб иш юришлари учун

кетган вақтни умумий (иш ва салт юришлари учун) кетган вақтта нисбатини фоизларда аниқланган қиймати унинг техник самарадорлигини белгилайди.

Машинанинг техникавий самарадорлиги қўйидагича аниқланади:

$$TS = \frac{T_i}{T_i + T_s} \cdot 100\% \quad (4.2)$$

бу эрда: T_i – иш юришлар учун кетган вақт, соат; T_s - салт юришлар учун кетган вақт, соат.

Машинанинг иш ва салт юришлари учун кетган вақтлар, мос ҳолда уларнинг иш ва салт юришлари йиғиндисини (ΣL_i ва ΣL_s) тезликларига (U_i ва U_s) нисбати билан, топиладиган бўлса

$$\left. \begin{aligned} T_i &= \frac{\sum L_i}{v_i} \\ T_s &= \frac{\sum L_s}{v_s} \end{aligned} \right\} \quad (4.3)$$

У ҳолда 4.2-расм бўйича ишлов бериладиган дала майдони уч қисмга ажратилган ҳолда, яъни $L_d B_d = L_i B_i + 2E B_d$ дан иборат майдонларга бўлиб агрегат билан ишлов берилади.

Бу майдонларга ишлов беришда машинанинг (агрегатнинг) иш юришлар йиғиндиси қўйидагича аниқланади

$$\sum L_i = L_i n_i + 2B_d n_e - (L_d - 2E) \frac{B_d}{b_M} + 2B_d \frac{E}{b_M} \quad (4.4)$$

салт юришлар йиғиндиси

$$\sum L_s = L_s n_s + 2L_s n_e = L_s \left(\frac{B_d}{b_M} - 1 \right) + 2L_s \left(\frac{E}{b_M} - 1 \right) \quad (4.5)$$

Бу кўрсаткичлар майдон узунлиги L_d ва кенглиги B_d , бурилиш йўлаги кенглиги E , агрегатнинг конструктив ∂_k қамров b_m кенгликлари, иш юриш L_u ва бурилишдаги салт юриш L_c узунликлари, иш n_u ва салт n_c юришлар сони ҳамда бурилиш йўлагидаги иш ва салт юриш сони n_e га боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичларни (2) формулага қўйиб ва бир қатор соддалаштиришдан сўнг қўйидаги кўринишга эга бўламиз

$$TS = \frac{1}{1 + \frac{\nu_i}{\nu_s} \frac{B_d}{L_d} \left(\frac{L_s(B_d + 2E - 3b_m)}{B_d^2} \right)} 100\% \quad (4.6)$$

Агар $\frac{\nu_i}{\nu_s} = A$, $\frac{B_d}{L_d} = B$ ва $\frac{L_s(B_d + 2E - 3b_m)}{B_d^2} = C$

күринишида белгиласақ, у ҳолда (4.6) формула қуидаги күринишига келади

$$TS = \frac{1}{1 + ABS} 100\% \quad (4.7)$$

бу эрда A - агрегатнинг иш режимини (иш ва салт юриш тезликларини) ҳисобга оловчи коэффициент; B - даланинг ўлчамларини (бўйи ва энини) ҳисобга оловчи коэффициент; C - агрегатнинг параметрларини ҳисобга оловчи коэффициент.

Хуносаси:

1. Агрегатнинг иш режимини (иш ва салт юриш тезликларини) ҳисобга оловчи коэффициент A операторнинг маҳоратига боғлиқ бўлиб, агрегатнинг салт юриш тезлиги иш юриш тезлигига тенглаштирилганда ($U_c = U_i$) фойдаланиш самарадорлиги энг юқори бўлади;
2. Майдонга ишлов бериш узунлигининг ортиб бориши даланинг ўлчамларини (бўйи ва энини) ҳисобга оловчи коэффициентни камайтириб ($B \leq 1$) фойдаланиш самарадорлигини орттиради;
3. Кичик майдонларга нисбатан катта майдонларда агрегатнинг фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади;
4. Агрегатнинг салт юриш узунлиги унинг кинематик узунлиги ва бурилиш радиусига боғлиқ бўлиб, комбинатсиялаштирилган ва тиркама қишлоқ хўжалик машиналаридан тузилган вариантларда фойдаланиш самарадорлиги кам бўлади;
5. Осма ва манёврчанлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалик машиналаридан тузилган агрегатларнинг фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Назорат саволлари:

1. Машиналардан самарадор фойдаланишнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Машиналарнинг техникавий самарадорлигини аниқлашда энг асосий кўрсатгичларни айтинг.
3. Машина билан ишлов бериладиган майдон қандай қисмлардан иборат бўлади?
4. Машинанинг салт юриш тезлигига қандай омиллар катта таъсир кўрсатади?
5. Даланинг ўлчамларига таъсир этувчи омилларнинг моҳиятини тушинтиринг.
6. Машинанинг техникавий самарадорлигини оширишда қандай техникалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади?
7. Машинанинг иш унуми ўлчовларига қандай турларга бўлинади?
8. Машинанинг ўтказувчанлик қобилияти деганда нимани тушунасиз?
9. Қандай машиналарда ўтказувчанлик қобилияти аниқланади?
10. Машинанинг техникавий самарадорлиги деб нимага айтилади? Унинг моҳиятини тушунтиринг.
11. Машинанинг техникавий самарадорлигини асосий тузувчиларини айтинг.
12. Операторнинг маҳоратига боғлиқ кўрсатгични айтинг ва унинг энг юқори миқдорига қачон эришилади?
13. Қандай ўлчамдаги далаларда машинанинг техникавий самарадорлиги юқори бўлади?
14. Техникавий самарадорликни оширишда қандай турдаги агрегатлардан фойдаланиш юқори самара беради?

4.3-§. Машиналар ҳаракатланиш тезликларининг техник самарадорлигига таъсири

Таянч тушунчалар: иш ва салт юришлар, мақбул ва чекка ҳаракат тезликлари, бурилиш ва ҳаракатланиш турлари ва усуслари, энг кичик бурилиш радиуси.

4.3.1. Машинанинг мақбул ва чекка иш юриш тезликлари

Суғориладиган дехқончилик шароитида қишлоқ хўжалиги техникалари дала майдонларида ҳаракатланганда тўғри чизиқли иш юришлар ва дала

охирида эгри чизиқли салт юришлар қиласи. Шунга мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси ҳаракатининг асосий элементлари иш юриш ва салт юришлардан ташкил топади [7, 9].

Машинанинг мақбул ва чекка иш юришлардаги ҳаракат тезликларининг қийматлари асосан агротехник ҳамда ҳавфсизлик талабларидан ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Ҳаракат тезликлари трактор юкламаси мақбул бўлгани ҳолда двигателнинг қувватидан ва машинанинг ўтказиш имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги техникасининг агротехник талабларга мувофиқ дала майдонида ҳаракатланиш тезлиги маълум қийматларда чегараланади. Чунки тезликлар чегараси технологик операцияни сифатли, талаб даражасида бажарилишини таъминлашга хизмат қиласи. Агар бу агротехник тезликлар чегарасидан юқори ёки қўйи қийматларга чиқиб кетиладиган бўлса албатта иш сифати бузилади, салбий оқибатларга олиб келади, тупроқ ёки ўсимликка таъсир кўрсатиб провард натижада ҳосилга таъсир қиласи.

Мақбул ҳаракат тезликлари минимал (енг кам) энергетик сарфлар, ёнилғининг энг кам сарфи, энг кам нарх-наво бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Мазкур ишни бажаришда тракторнинг мақбул ҳаракат тезлиги машинанинг турли қамраш кенгликлари учун ҳам алоҳида аниқланади. Маълумки, ҳар қандай машина муайян технологик операцияни бажаришда шу операцияга мос ишчи тезлик билан ҳаракатланади.

Лекин, амалда қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳақиқий ҳаракатланиш тезлиги муайян иш шароитлари билан чекланади. Масалан, вертикал шпинделли пахта териш машиналари билан биринчи тезлиқда 3,82 км/соат назарий тезлик билан ишлаганда ҳақиқий иш тезлиги 3-3,5 км/соат чегарада бўлиши тажрибаларда аниқланган. Чунки, ҳар бир дала ўзига хос тавсифларга эга (суғориш эгатлари, экинлар, тупроқнинг қаттиқ-юмшоқлиги, ғўзаларнинг бўйи ва эни ва бошқалар ҳамда машиналарнинг техник ҳолати терим даврида бир хил бўлмаслиги оқибатида) бўлади.

Агротехник ва бошқа талаблар бўйича энг мақбул ҳаракат тезлиги чегаралари 4.1-жадвалда келтирилган.

4.1-жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажарганда машиналарнинг рухсат этилган ҳаракат тезликлари

т/р	Иш тури	Ҳаракат тезлиги,
-----	---------	------------------

		км/соат
1	Оддий корпусли плуглар билан эр ҳайдаш	7-8
2	Тезкор корпусли плуглар билан эр ҳайдаш	8-12
3	Тиркама сеялка билан донли экинларни экиш	8-9
4	Осма сеялка билан дон уруғларини экиш	9
5	Чигит сеялкаси билан чигит экиш	6-8
6	“Зиг-Заг” тирмалар билаш тирмалаш	5-8
7	Екин қатор ораларига ишлов бериш:	
-	биринчи ишлов бериш	4-6
	навбатдаги ишловларни бериш	8-9
8	Пахта териш	4-5
9	Ғалла экинлари ҳосилини йиғиш	6-7

Буни шундай тушунтириш мумкинки, ҳар бир дала ўзига хос тавсифларга (суғориш эгатлари, экинлар тури, тупроқнинг қаттиқ-юмшоқлиги, ўсимликларнинг бўйиҳамда ҳосилдорлиги ва бошқалар, машиналарнинг техник ҳолати эса иш даврида бир хил бўлмаслиги) эга эканлигини унутмаслик керак.

Масалан, ғалла ҳосилини йиғиш комбайнлари ишлагандан мақбул ҳаракат тезлиги даладаги ғалла экинларининг ҳолати, ҳосилдорлиги, пояларнинг бўйи, қирқиши баландлиги, ғалланинг сомондорлик даражаси, комбайннинг қамраш кенглиги, иш унуми ва ўтказувчанилигига қараб белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг дала майдонида ҳаракатланиш тезликларининг чегераланган қийматлари асосан агротехника талабларидан, хавфсизлик талабларидан, трактор юкламасининг мақбул бўлган қийматларига мос ҳолда двигателнинг қувватидан ва қишлоқ хўжалиги машинасининг қаршилик кўрсаткичлари, ўтказиш имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Мақбул ҳаракат тезликлари минимал (энг кам) энергетик сарфлар, ёнилғининг энг кам сарфи, энг кам харажатлар бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай технологик операцияни бажаришда тракторнинг мақбул ҳаракатланиш тезлиги қишлоқ хўжалиги машинасининг турли қамраш кенгликлари учун ҳам алоҳида аниқланиши мумкин. Маълумки, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги техникаси муайян технологик операцияни бажаришда шу операцияга мос ишчи тезлик билан ҳаракатланади.

Ғалла ҳосилини йиғиш комбайнлари ишлаганда мақбул ҳаракат тезлиги даладаги ғалла экинларининг ҳолати, ҳосилдорлиги, пояларнинг бўйи, қирқиш баландлиги, ғалланинг сомондорлик даражаси, комбайннинг қамраш кенглиги, иш унуми ва ўтказиш имконига қараб белгиланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги техникаларининг далада ҳаракатланиш, дала майдони охирида бурилиш тезликлари операциялар турлари, агрегатнинг кинематик параметрлари, оператор қабул қилган бурилиш усуслари ва уларнинг маҳоратига боғлиқ бўлади.

4.3.2-ѓ. Машинанинг дала охирида бурилишидаги салт юриш тезликлари

Машиналар дала шароитида ишни бажариш жараёнида ҳар сафар дала охирида бурилиб, салт юришлар бажаради. Бунда салт юришлар учун кетган вақт қабул қилинган ҳаракатланиш усули ва оператор (механизатор) нинг машинани бошқариш малакасига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун дала ва машинанинг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда унинг даладаги ҳаракатланиш ва бурилиш усулини тўғри танлаш унинг техник, иқтисодий ва сифат кўрсатгичларини юқори бўлишида муҳим аҳамият касб этади [7, 8, 9, 25, 26].

Машина салт бурилиш пайтида энг кичик радиус билан бурилиши керак, чунки бунда унинг салт юриш йўли кичик бўлади. Шу билан бирга машина бурилаётганда барча ғилдираклари ёнга сурilmасдан айланиши лозим, акс ҳолда деформатсия рўй бериши ва синиши мумкин, бу эса бурилиш радиусининг йўл қўйилмайдиган даражада кичиклигидан далолат беради.

Машинанинг энг кичик бурилиш радиуси тракторнинг бурилиш радиусига, тиркагич ва иш машинасининг ўлчамларига ҳамда тезлигига боғлиқ ҳолда тажрибалар асосида аниқланади.

Ўрнатма ва осма машиналарни бурилиш радиуси тракторнинг энг кичик бурилиш радиусига тенг қилиб олиниши мумкин. Бунда 2Х3 схемали ғилдиракли тракторларга осилган машиналарнинг бурилиш радиуси энг кичик қийматга эга бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, дала шароитида ҳар бир технологик операцияни бажариш вақтида ҳар сафар қишлоқ хўжалиги техникаси дала майдони охирида бурилилади, салт бурилишларни амалга оширади ва салт юриш тезликлари билан ҳаракатланади. Бундай салт юришлар, салт

бурилишлар ҳамда салт юриш тезликлари дала майдонида бажариладиган технологик опретсияларнинг ҳар хиллигига боғлиқ бўлиб (масалан: шудгорлаш, тирмалаш, эгат олиш, пахта териш, ғалла ўриш ва бошқалар) дала майдонининг (пайкалнинг) шакли ва ўлчамларини аниқ белгиланиши, қабул қилинган ҳаракатланиш усуллари ва операторнинг машинани бошқариш қобилятига боғлиқдир.

Назарий тадқиқотлар натижалари маълум технологик операцияни бажараётган қишлоқ хўжалиги техникаларидан ташкил топган машина-трактор агрегати салт бурилишида энг кичик радиус билан бурилиши кераклигини кўрсатган. Чунки энг кичик радиус билан бурилишда салт юриш йўли кичик бўлган. Шу билан бирга машина-трактор агрегати бурилаётганда барча ғилдираклари ёнга суримасдан айланиши кузатилган. Акс ҳолда ғилдирак шиналарининг ҳамда тупроқнинг деформатсияланиши натижасида сирпаниши ва сурилиши кузатилган. Бундай ҳоллар бурилиш радиусининг йўл қўйилмайдиган даражадаги бурилиш радиуси ҳисобланади.

Машина-трактор агрегатининг дала майдони охирида салт юришидаги энг кичик бурилиш радиуси тракторнинг бурилиш радиусига, агрегат таркибидаги тиркагич ва иш машинасининг ўлчамларига, бурилиш тезлигига боғлиқ бўлиши тажрибалар асосида аниқланган.

Машина-трактор агрегатининг дала майдони охирида салт юришидаги энг кичик бурилиш радиуси қўйидагича аниқланади

$$R_{\delta} = L_{\delta} \operatorname{ctg} \alpha + \frac{B}{2} \quad (4.8)$$

бу ерда L_{δ} – тракторнинг бўйлама узунлиги, м; α – трактор йўналтирувчи ғилдирагининг энг катта бурилиш бурчаги, град.; B – ғилдиракли тракторнинг бурама сапфа ўқлари орасидаги масофа (тракторнинг икки йўналтирувчи ғилдираклар бурилиш нуқталари орасидаги масофа), м.

Ўрнатма ва осма машинали агрегатарнинг бурилиш радиуси тракторнинг энг кичик бурилиш радиусига тенг деб қабул қилинади. Бунда 2Х3 ғилдирак схемали ва махсус қурилма билан жиҳозланган 4Х4 ғилдирак схемали тракторларга осилган қишлоқ хўжалиги машиналарининг бурилиш радиуси энг кичик қийматга эга бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, дала майдони охирида сиртмоқсиз бурилиш учун сиртмоқсимон бурилишдагига нисбатан энсизроқ жой талаб қилинади ва

бу иш юриш йўлини кўпайиши ҳисобига даладан унумли фойдаланиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Машиналарни далада ишлатиш пайтида у ёки бу турдаги бурилишларни қўллаш имконияти бажарадиган иш тури, ишнинг шароитлари, агрегатнинг тури ва таркиби, машиналарни тракторга тиркалиши ва унинг ишчи қисмларини айлантириш (тўнтариш) мумкинлигига қараб аниқланади.

Бу бурилишларни амалда бажариш осон ва қулай. Шу билан бирга салт бурилишлар тезлигини ошириш ҳисобига салт ҳаракатнинг бажариш вақтини камайтириш мумкин бўлади.

Қишлоқ хўжалиги агрегатларидан самарали фойдаланишда иш ва салт юришлар тезлиги катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Агрегатнинг салт юриш тезлиги миқдори иш юриш тезлигига нисбатан кам бўлади. Лекин салт юриш тезлик иш юриш тезликка тенг бўлганда юқори самарадорликка эришилади. Унинг ҳар бир километр ошиқча салт юриши иш унумини камайишига, ёқилғи сарфининг ортишига олиб келади.

Демак, агрегат салт ҳаракат юришида иш бажарилмас экан, унинг ҳаракатланиш тезлиги ва дала майдонлари ўлчамларини шундай режалаштириш керакки, бунда салт юриш йўлининг үзунлиги энг кам бўлсин.

Шуни эсда тутиш керакки, дала охирида сиртмоқсиз бурилиш учун сиртмоқсимон бурилишдагига нисбатан энсиизроқ жой талаб қилинади, бу эса иш юриш йўлини кўпайиши ҳисобига даладан унумли фойдаланиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Машиналарни далада ишлатиш пайтида у ёки бу турдаги бурилишларни қўллаш имконияти бажарадиган иш тури, ишнинг шароитлари, машинанинг тури ва таркиби, уларни тракторга тиркалиши ва унинг ишчи қисмларини айлантириш (тўнтариш) мумкинлигига қараб аниқланади.

Пахтачиликда механизатсиялаштирилган ишларни бажаришда фақат сиртмоқсиз бурилишлар - доиравий ва тўғри чизиқли қисми бор бурилишлардан иборат ҳаракат усувларидан фойдаланган маъқул.

Бу бурилишларни амалда бажариш осон ва қулай. Шу билан бирга салт бурилишлар тезлигини ошириш ҳисобига салт ҳаракатнинг бажариш вақтини камайтириш имконига эга бўлинади.

Бурилиш усувларини танлашда (4.2-жадвал) машинанинг техникавий кўрсатгичлари юқори бўлиши асосий мезон ҳисобланади.

4.2-жадвал

Асосий қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда қўлланиладиган машиналарнинг бурилиш ўсуллари ва шакллари

т/р	Ишлар тури	Бурилиш ўсули	Бурилиш шакли
1	Оддий (осма, тиркама) плуглар билан эр ҳайдаш	Сиртмоқсиз тўғри чизиқли бурилиш	
2	Айланма плуглар билан эр ҳайдаш, 8 қаторли сеялка билан чигит экиш	Сиртмоқли орқага юриш билан бурилиш	
3	Тирмалаш, дисклаш, молалаш, текислаш,	Сиртмоқли бир томонлама бурилиш	
4	Ғалла ўриш, тиркамали машинада пахта териш, ўт ва пичан ўриш	Сиртмоқсиз тўғри чизиқли бурилиш	
5	Ғўзани дефолиатсия қилиш ва кимёвий ишлов бериш, ариқ олиш ва текислаш	Сиртмоқсиз тўғри чизиқли бурилиш	
6	Бошқа барча ишлар	Сиртмоқсиз доира бўйлаб бурилиш	

Машинанинг техник самарадорлигини оширишда унинг иш ва салт юришлар тезлиги катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Бунда машинанинг салт юриш тезлигини миқдори иш юриш тезлигига нисбатан паст бўлиб, унинг қиймати иш юриш тезлигига тенг бўлганда энг юқори самарадорликка эришилади.

Машинани ҳар бир километр ошиқча салт юриши унинг иш үнумини камайишига ва ёқилғи сарфини ошишига олиб келади. Демак машинанинг салт юришида иш бажарилмаслигини ҳисобга олиб, унинг бурилиш ва ҳаракатланиш шакллари ва дала ўлчамларини шундай танлаш керакки, бунда салт юриш йўлининг узунлиги энг кам бўлиши керак.

Демак, дала майдони (пайкал) ва агрегатларнинг таркибини, уларнинг кинематик параметрларини (ўлчамларини) ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникаларининг дала майдонидаги ҳаракатланиш усули тўғри танланиши, техник-иктисодий ва сифат кўрсатгичлари юқори бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлар экан.

Назорат саволлари:

1. Машинанинг мақбул ва чекка ҳаракат тезликлари моҳиятини тушинтиринг.
2. Машинанинг энг кичик бурилиш радиуси қанлай аниқланади?
3. Осма ва ўрнатма машиналарининг бурилиш радиуси қандай асосланади?
4. Қайси турдаги тракторлар энг кичик бурилиш радиусига эга?
5. Пахтачиликда энг кўп қўлланиладиган машиналарнинг ҳаракатланиш усулини айтинг.
6. Машина салт юриш тезлигини қайси миқдорида унинг техник самарадорлиги энг юқори бўлади?

4.4-§. Ишлов бериладиган майдон шакли ва ўлчамларини агрегатнинг фойдаланиш самарадорлигига таъсири

Дала майдонининг асосий кўрсатгичларига унинг шакли, юзаси, узунлиги, эни, қиялиги ва нотекислиги киради. Таҳлиллар икки қаторли пахта териш машинаси 10 га майдондаги очилган пахтани териб олишда ўртача 55 км йўлни босиб ўтишини кўрсатади.

Демак, сүғориладиган дәхқончилик шароитида дала майдонининг барча үлчамлари турлиша бўлиши маълум даражада агрегатнинг иш унуми ва фойдаланиш кўрсаткичларини ўзгаришига олиб келади. Бу кўрсатгичларнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида экин майдонларининг кўрсатгичларини экиладиган экинлар тури, сүғориш усувлари, тупроқ-иқлим шароити ва рельефини ҳисобга олган ҳолда олдиндан мақбуллаштириши, режалаштириш ва сифатли қилиб тайёрланиш муҳим ҳисобланади.

Таҳлилий маълумотлар дала майдонининг узунлигини унипг энига нисбати қийматига қараб агрегат томонидан босиб ўтиладиган умумий йўлнинг ўртача 8-12 фоизи салт юришларни ташкил этишини кўрсатади. Кичик юзали ёки энига нисбатан қисқа узунликка эга бўлган дала майдонларида агрегат томонидан босиб ўтиладиган умумий йўлнинг ўртача 40 фоизи салт юришларни ташкил этиши мумкин экан.

Реал шароитда бир хил майдон юзасига эга бўлган дала майдонларнинг үлчамлари узунлиги ва энининг қийматлари бўйича турлича бўлади. Айниқса дала майдонининг узунлиги агрегатлардан самарали фойдаланишда энг муҳим кўрсатгич ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда агрегат ишининг самарадорлиги, яъни маълум агротехник тезликлар чегарасида ҳаракатланиши айнан дала майдонининг узунлигига боғлик бўлади.

Дала майдонининг агрегат ишининг самарадорлигини таъминловчи мақбул узунлиги босиб ўтилган иш йўллари коэффициенти билан баҳоланади. Бунда иш йўллари коэффициентининг юқори қийматда бўлишига муҳим ҳисобланади.

Олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларининг таҳлили ва 4-жадвал маълумотлари иш йўллари (ϕ) коэффициентига дала майдонининг узунлиги катта таъсир кўрсатиши ва дала майдонининг 400 м гача бўлган узунлигига иш йўллари коэффициентининг қиймати кескин кам бўлишини кўрсатади.

Қўйидаги 4-жадвалда дала майдони узунлигига нисбатан иш йўллари коэффициентининг қиймати келтирилган.

4.3-жадвал

Дала майдони узунлигига нисбатан иш йўллари коэффициентининг қийматлари

Дала майдони узунлиги, $L_{уч} \text{ м}$	Коэффициент ϕ	Дала майдони узунлиги, $L_{уч} \text{ м}$	Коэффициент ϕ

150 гача	0,58	401-600 гача	0,83
151-200 гача	0,66	601-100 гача	0,86
201-300 гача	0,74	1000 дан катта	0,88
301-400 гача	0,80		

Демак, суғориладиган дәхқончилик шароитида дала майдонларининг узунлиги 400-600 м қийматларда бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки дала майдони узунлигининг юқоридаги қийматлардан катта бўлиши суғорма дәхқончиликда суғориш ишлари сифатини пасайишига олиб келиши тадқиқотларда тасдиқланган.


Юқоридаги маълумотлар асосида хулоса қилиш мүмкинки, мавжуд эр майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган технологик операцияларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги техникалари паркидан тузиладиган машина-трактор агрегатларни мақбул таркибини танлаб ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4.5-§. Ишлов бериладиган дала майдонининг мақбул ўлчамларини асослаш

Таянч тушунчалар: техникавий самарадорлик, даланинг шакли ва ўлчамлари, даланинг нисбий коэффициенти, самарадорликка таъсир этувчи омиллар.

4.5.1-§. Даланинг кинематик ўлчамлариги асослаш

Ер майдонинг энг мақбул шакли квадрат кўринишида бўлиши ҳисобланади (4.3-расм).



L_{uy} -даланинг бўйи; B_{uy} - даланинг эни; C - пайкалнинг эни; e - бурилиш йўлагининг эни; E – агрегатнинг кириш-чиқиш ёли; L_{uw} – иш йўли узунлиги

4.3-расм. Суғориладиган дала майдонининг энг мақбул шакли

Бу шаклнинг ўзига ҳос ҳусусияти, биринчидан, далада ҳаракатланаётган қишлоқ хўжалиги агрегатининг технологик операцияни бажаришида иш ва салт юришлар сони бир-бирига тенг бўлади. Иккинчидан, бу дала майдонининг энг мақбул шакли агрегатнинг технологик операцияни бажаришида шароитидан келиб чиқсан ҳолда дала майдонининг бўйи ёки эни бўйича ҳаракатланиб бир хил самарадорликка эришиш имконини беради [7, 8, 9].

Даланинг асосий ўлчамларига (4.3-расм)қўйидагилар: унинг узунлиги (L_{uy}), эни (B_{uy}), нишоблиги (u), бурилиш йўлагининг эни (E), пайкалнинг эни (C) ва иш юриш узунлиги (L_{uw}) киради.

Табиий шароитда бир хил майдон юзасига эга бўлган далаларнинг ўлчамлари, яъни унинг узунлиги ва эни турлича бўлади.

Даланинг узунлигини энига нисбатига қараб машина томонидан босиб ўтилган умумий йўлнинг ўртача 8-12 фоизи, қисқа бўлган далаларда 40 фоизгача қисми салт юришларни ташкил этиши мумкин.

Даланинг узунлиги машиналардан самарали фойдаланишда энг муҳим кўрсатгич ҳисобланади. Чунки кўпчилик қишлоқ хўжалиги ишлари бажарилиши даланинг нишоблиги йўналиши бўйича амалга оширилиши талаб этилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда машинанинг ҳаракатланиши айнан даланинг узунлиги бўйича амалга оширилади.

Даланинг мақбул үзүнлиги машинанинг иш йўллари коэффициенти орқали аниқланади. Бунда иш йўллари коэффициенти юқори бўлишига интилиш керак.

Машиналарни иш йўллари коэффициенти уларнинг ҳаракат үсулларини баҳолашнинг мұхим кўрсатгичи ҳисобланади.

Бу коеффитсиент ушбу формула ёрдамида топилади:


$$\varphi = \frac{\sum L_{ish}}{\sum L_{ich} + \sum L_{salt}} \quad (4.9)$$

Бу эрда $\sum L_{ish}$ - иш йўлларнинг умумий үзүнлиги, м; $\sum L_{salt}$ - салт юриш йўлларининг умумий үзүнлиги, м.

Қишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда кўп қўлланиладиган машинанинг ҳаракатланиш үсулларига қараб иш йўллари коэффициентлари унинг пайкалдаги ҳаракатини бир сиклига тақрибан қўйидагича аниқланади.


Моккисимон ҳаракатланиб, ноксиртмоқсимон бурилишда:

$$\varphi = \frac{L_{ish}}{L_{ish} + 6R + 2e}$$




Моккисимон ҳаракатланиб,
сиртмоқсиз доиравий бурилишда:

$$\varphi = \frac{L_{ish}}{L_{ish} + \pi R + 2e}$$



Қоплама ҳаракатланиб, түғри
чизиқли сиртмоқсиз бурилишда:

$$\varphi = \frac{L_{ish}}{L_{ish} + 1,14R + 0,5C + 2e}$$



Бу эрда L_{ish} - машинанинг бир иш йўли узунлиги, м; R_a - машинанинг бурилиш радиуси, м; C - пайкалнинг эни, м; e - машинанинг пайкалдан чиқиш ёки кириш узунлиги, м.

Олиб борилган илмий - амалий ишлар натижаси шуни кўрсатдик, иш йўллари коэффициентига унинг иш йўллари узунлиги катта таъсир кўрсатиши ва даланинг узунлиги 400 м гача бўлган майдонларда иш йўллари коэффициенти кескин камайиши аниқланган.

Чунки иш юриш узунлиги L_{ish} қанча катта бўлса, коэффициент ф шунча катта бўлади ва $L_{ish} > 1000$ м бўлганда, у ўзининг энг катта қийматига - бирга яқинлашади. Шунинг учун далаларни йириклаштириш маъқул бўлади.

Суғориладиган дехқончилик шароити учун янгидан очиладиган ер майдонларининг узунлигини 400-600 м бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки даланинг узунлиги қанчалик узун бўлса, экинларни қаторлаб очиқ усуlda суғориш ишларининг сифати шунчалик пасайиб боради.

Ер майдонинг энг мақбул шакли квадрат кўринишида (4.3-расм) бўлиши ҳисобланади. Бу шаклнинг ўзига хос ҳусусиятдари: биринчидан, далада ҳаракатланаётган машинанинг иш ва салт юришлар сони бир-бирига тенг, иккинчидан, бу кўринишда машина бажариладиган иш жараёнини шароитдан келиб чиқсан ҳолда даланинг бўйи ёки эни бўйича ҳаракатланиб бир хил самарадорлик билан бажариш имконини беради.

Шу билан бирга ҳозирда мавжуд бўлган суғориладиган ер майдонларининг шакли ва юзаси фермер хўжалиги жойлашган минтақанинг табиий релефи ва этиштириладиган экинларни суғориш усулларининг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилган бўлиб, уларни ўзгартиришнинг имкони жуда кам.

Шунинг учун турли тўғри тўртбурчак шаклидаги дала майдонларининг ўлчамларини аниқлашни қуидаги тенгсизлик билан ифодалаш мумкин.

$$1 \leq \frac{L_{uch}}{B_{ych}} \leq 1 \quad (4.10)$$

Ушбу тенгсизликни физик маъноси, дала майдонининг бўйи энига нисбати бир бирлиқдан қанчалик катта ($1 \leq \frac{L_{uch}}{B_{uch}}$) бўлса, кенг қамровли агрегатлар билан даланинг бўйи йўналишида, агар бу нисбат кичик ($\frac{L_{uch}}{B_{uch}} \leq 1$) бўлса, даланинг эни йўналишида ҳаракатланиб технологик операцияни бажаришида агрегатнинг фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлишини англатади.

Агар, агротехник талаблар бўйича даланинг эни бўйича ҳаракатланиб агрегат билан ишлов бериш мумкин бўлмаса, у ҳолда даланинг бўйи йўналишида кичик қамровли агрегат билан ишлов берилганда унинг фойдаланиш самарадорлигини юқори бўлишига эришиш мумкин бўлади.

Шунинг учун мавжуд эр майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машиналарининг мақбул таркибини танлаб ишлатиш керак.

4.5.2-§. Ишлов бериладиган майдон ўлчамларига нисбатан машина трактор агрегатининг таркибини асослаш


Обикор дәхқончилик шароитида дала шакли ва ўлчамларининг турлича бўлиши қишлоқ хўжалиги агрегати иш унуми ҳамда унинг техникавий самарадорлигини кескин ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун ҳар бир қишлоқ хўжалиги агрегатидан самарали фойдаланишда ишлов берилаётган даланинг шакли ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда агрегат таркиби шундай танланиши керакки, бунда унинг техникавий самарадорлиги энг юқори бўлишига эришиш зарур [8].

Табиий шароитда бир хил майдон юзасига эга бўлган далаларнинг ўлчамлари, яъни унинг бўйи ва энининг нисбати турлича бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда мавжуд бўлган экин майдонларининг шакли ва юзаси фермер хўжалиги жойлашган минтақанинг табиий релефи ва этиштириладиган экинларни суғориш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аввалдан ташкил этилган бўлиб, уларни ўзgartиришнинг умуман имкони йўқ (1-расм).

Шунинг учун қишлоқ хўжалиги агрегатининг техникавий самарадорлигини оширишда мавжуд ер майдонларининг ўлчамлари ва бажариладиган агротехник ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг мақбул таркибини танлаб ишлатиш юқори самара бериши мумкин.


Маълумки, даланинг бўйи агрегатлардан самарали фойдаланиш даражасини оширишда энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Чунки даланинг эни бўйига нисбатан қанча кенг бўлса, агрегаттинг дала охирида салт бурилишлар сони кўпайиши ҳисобига унинг самарали иш вақтини кескин камайишига олиб келади.



4.4-расм. Туман маҳалла фуқоралар йиғинларига қарашли экин контурларининг жойлашиш тарҳи

Суғорма дәхқончилик шароити учун янгидан очиладиган эр майдонларининг үзүнлиги 400-500 метрдан ошмаслиги керак. Чунки даланинг бўйи қанчалик үзун бўлса, суғориш ишларининг муддатини чўзилиши ва унинг сифатини кескин пасайишига олиб келади [33].

Ишлов бериладиган майдон ўлчамларига нисбатан ҳайдов агрегатининг таркибини асослашда дала томонлари нисбий коэффициентининг миқдорига қараб агрегатнинг техникавий самарадорлигини аниқлаш бўйича номограмма тузилган (4.5-расм).



4.5-расм. Дала томонлари нисбий коэффициентининг энг мақбул миқдорини аниқлаш номограммаси

Ушбу номограмма ёрдамида ҳар бир дала майдонининг юзаси ва үзүнлигига нисбатан ҳайдов агрегатини техник самарадорлигига таъсир этувчи

нисбий коэффициентнинг (C) энг мақбул миқдорини аниқланиш тартиби ишлаб чиқилди ва қуийдагича амалга оширилади.

Масалан: дала майдонининг юзаси ($F=5$ га) ва узунлиги ($L=300$ м) бўлса, А графикдан (штрих чизиқ билан кўрсатилган) ушбу ўлчамлар кесишган нуқта топилади ва чизиқ D график томон йўналтирилиб, ушбу графикдан $F=5$ га графиги билан учрашгунча давом эттирилади.

Сўнгра штрихли чизиқ Γ графикка йўналтирилиб, агрегатнинг қамраш кенглиги (B_M) чизиқлари (1,0, 1,5, 2,0, 3,0, 4,0 ва 5,0 м) билан кесишган нуқталари топилади. Ҳар бир кесишган нуқталардан штрихли чизиқлар M график томон йўналтирилиб, дала майдони $F=5$ га чизиғи билан кесишган нуқталаргача давом эттирилади ва унга мос ҳолда дала томонларининг нисбий коэффициентининг миқдорилари $C_1=0,52$, $C_2=1,22$, $C_3=2,2$, C_4 , C_5 , $C_6 > 4$ коэффициентлар аниқланди.

Аниқланган натижаларга кўра майдони $F=5$ га ва узунлиги $L=300$ м бўлган далага ишлов беришда агрегатнинг қамраш кенглиги 1 м бўлганда дала томонларининг нисбий коэффициенти энг кичик миқдорга ($C_1=0,52$) тенг бўлганлиги учун далани ушбу агрегат билан ҳайдалганда энг юқори техникавий самарадорликка эришилиши аниқланади.

Назорат саволлари:

1. Даланинг кинематик ўлчамларига қандай кўрсатгичлар киради?
2. Суғориладиган ва лалмикор дехқончилик шароити учун даланинг асосий кўрсатгичларини айтинг;
3. Даланинг бўйи унинг қайси кўрсатгичи орқали аниқланади?
4. Даланинг узунлиги қандай омиллар асосида чегараланади?
5. Узунлиги қисқа бўлган майдонларга ишлов беришда қандай үсуллардан үсуллардан самарали фойдаланиш мумкин?

4.6-§. Машинанинг конструктив ва технологик параметрларини асослаш

Таянч тушунчалар: Машинани конструктив ва қамраш кенглиги, даланинг минимал узунлиги, иш ва салт юришлар сонини ўзгариши, енергетик кўрсатгичлари, қуввати ва тортиш қаршилиги,

фойдаланиш хусусиятлари, танлаш сифатини баҳолаш усуллари, минимум тўғридан-тўғри пул харажатлари, максимум иш унуми, технологик ишни бажаришни энг кам муддати.

4.6.1-§. Машина қамраш кенглигини даланинг минимал узунлигига таъсири

Машинанинг техник самарадорлигини оширишда унинг асосий кўрсатгичидан бири унинг қамраш кенглиги бўлиб, майдон юзаси катта ва бўйи узун далаларда қамраш кенглиги катта, аксинча майдон юзаси кичик ва бўйи қисқа майдонларда қамраш кенглиги нисбатан кичик бўлган машиналардан фойдаланиш юқори самара беради.

Маълумки, майдон юзаси бир хил, аммо узунлиги ҳар хил бўлган далаларга машина томонидан ишлов берилганда, унинг иш юришлари узунлигини ўзгариши, салт юришлар сонини ўзгаришига таъсир этади. Айниқса, иш юриш узунлигини жуда қисқа бўлиши салт бурилишлар сонини кескин кўпайишига ва натижада салт юришлар умумий узунлигини ошишига олиб келади. Бу ҳолат машинанинг техник самарадорлигини кескин пасайтиради.

Дала узунлиги, бўйи ва энини нисбати, салт ва иш юришлар сони, дала майдонини юзаси ҳамда машинанинг қамраш кенглигига нисбатан ўзаро боғланиш натижаларини тахлили қўйидаги хulosаларни қилиш имконини беради:

- майдон юзаси 1-3 гектар ва узунлиги 50-120 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 1 метр;
- майдон юзаси 3-5 гектар ва узунлиги 120-170 метр бўлган далаларга қамров кенглиги 2 метр;
- майдон юзаси 5-10 гектар ва узунлиги 170-280 метрдан юқори бўлган далаларга қамров кенглиги 3 метр;
- майдон юзаси 10 гектар ва узунлиги 280-400 метр ва ундан юқори бўлган далаларга қамров кенглиги 4 метрли машиналар билан ишлов берилганда унинг техник самарадорлиги энг юқори бўлишига эришилади.

4.6.2-§. Машиналарни танлаш кўрсатгичлари

Машиналарни танлаш кўрсатгичларига қўйидагилар киради:

- машиналарни йил давомида ишлатиш;
- машинани ишлов бериладиган материалларга, асосан тупроққа салбий таъсирини минимумга камайтириш;
- танланган машинани қўллашдан энг кўп иқтисодий самара олиш имкониятлари.

Тўғри танланган машина ва тракторлар қўйидаги имкониятларни яратади:

Биринчи имконият - машиналар сонини қисқартириш, металл сарфи, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш харажатларини камайтириш ва механизатор кадрлардан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

Иккинчи имконият - тупроқ структурасини бузилишини пасайтириш, сув ва шамол эрозиясини камайтиришга ва йиғишириб олинган маҳсулотларни сифатли бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Учинчи имконият - машинани қўллашда шундай мақбул эчимни топиш керакки, бунда фермер хўжалигини шароити учун қабул қилинадиган вариантларнинг энг яхисини олиш маҳсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришда бажариладиган ишларнинг турли-туманлиги кўплаб қишлоқ хўжалиги машиналари бўлишини тақозо этади. Шунга қарамасдан, барча машиналар қишлоқ хўжалиги ишларига қўйилган талабларни бажара олиши учун керакли фойдаланиш хоссаларига эга бўлиши зарур. Акс ҳолда талабга жавоб бермаган машина иши ундан кейин бажариладиган ишнинг сифатини кескин пасайишига олиб келади.

Машиналарнинг фойдаланиш хусусиятларига қўйидаги кўрсатгичлар:

- бажарган ишнинг сифатини агротехник талабларга мослиги;
- белгилангандан ҳаракат тезлиги ва қамраш кенглигига машинанинг мустаҳкамлигини таъминланиши;
- тортиш қаршилиги ва истеъмол қиласидиган қувватни мақбуллиги;
- иш ва техника хавфсизлиги, хизмат кўрсатиш ва бошқаришга қулайлиги ва бошқалар киради.

Қишлоқ хўжалиги машина ва қуролларининг энг мухим фойдаланиш кўрсатгичларига, уларнинг энергетик кўрсатгичи – тортиш қаршилиги ва машиналарнинг ишчи қисмлари ҳамда механизмларини тракторнинг қувват олиш вали орқали ҳаракатлантириш учун зарур бўлган қувватлар киради.

Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароити ва қишлоқ хўжалик экинларини этиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари машиналарга мұайян талабларни қўяди.

Қишлоқ хўжалиги экинлари этиштириладиган майдонлар тоғли, тоғ олди, текислик ва чўл минтақаларда жойлашган бўлиб, ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ва экиладиган экинлари турличадир. Бу ҳолатлар қишлоқ хўжалиги экинларини этиштиришда маҳсус машиналардан фойдаланишни таққоза этади. Бунда фойдаланиш шароитининг кўрсатгичларига: эрнинг релефи, экин майдонларининг шакли ва ўлчами, тупроқнинг солиштирма қаршилиги ҳамда уларга қўйиладиган агротехникавий талаблар асосий мезонлар ҳисобланади.

Катта майдонларга ишлов беришда ва оғир ишларни бажаришда (ер ҳайдаш, текислаш, чўқур юмшатиш ва бошқалар) умумий ишларга мўлжалланган бақувват ғилдиракли ва занжирли тракторлар ишлатилади.

Ўсимликлар қатор ораларига ишлов беришда трактор талабдаги агротирқишига эга бўлиши, энг асосийси, экинларга шикаст этказмаслик учун трактор юриш қисмининг эни (ғилдирак шинаси ва занжирли лентани кенглиги) ўсимликларнинг рухсат этиладиган ҳимоя йўлагини таъминлаши ва тупроққа кўрсатадиган босими кам бўлиши керак.

Боғдорчилик ва узумчилиқда тракторлар нисбатан паст бўйли ва қисқа энли, шоличноликда юриш қисмининг эни катта бўлган, тоғ олди ва тоғли минтақаларда йўл ва агротехник тирқишлири паст ва эни каттароқ бўлган маҳсус тракторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иссиқхоналарда агротехник тадбирларни бажариш учун кичик (мини) тракторлардан фойдаланиш юқори самара беради.

Танланган трактор ва машиналар қўйидаги талабларни:

- тракторлар қуввати ва тортиш хоссалари бўйича мазкур минтақа ёки
- фермер хўжалиги шароитларидағи ишларнинг тўлиқ бажарилиши;
- машиналарнинг мазкур шароитларда юқори иш унуми ва энг кам фойдаланиш ҳаражатлари билан ишлатилиши;
- барча қишлоқ хўжалик мавсумлари даврида мумкин қадар ундан тўлиқ фойдаланиш ва режалаштирилган технологик жараёнларни юқори савияда бажарилишини таъминлаши керак.

Назорат саволлари:

1. Амалда эр майдонини шакли қандай омилларга асосан ташкил этилади?
2. Агрегатлардан техникавий самарадорлигини оширишда унинг қайси параметри асосий кўрсатгич ҳисобланади?
3. Майдон юзаси бир хил, аммо узунлиги ҳар хил бўлган далаларга агрегат томонидан ишлов берилганда, агрегатнинг иш юришлари узунлигини ўзгариши унинг қайси кўрсатгичини ўзгаришига таъсир этади?
4. Машинанинг танлаш кўрсатгичларига нималар киради?
5. Тўғри танланган машина ва тракторлар қандай имкониятларга эга бўлади?
6. Машинанинг фойдаланиш ҳусусиятларига қандай кўрсатгичлар киради?

В-боб. МАШИНАЛАРНИНГ ТЕХНИКАВИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР ВА ВОСИТАЛАР

Таянч тушунчалар: маневрчанлик, қаршилик турлари, конструктив, конструктив-фойдаланиш ва фойдаланиш йўллари.

5.1-§. Машиналарнинг маневрчанлигини ошириш

Қишлоқ хўжалиги машиналари (агрегатлари) далада ва далага бориш йўлларида энгил маневрчанликка эга бўлиши керак.

Маневрчанлик – бу агрегатларниң буриувчанлиги, ўтағонлиги, ҳаракатини барқарорлиги ва бошқарувчанлиги ҳамда ташибга мослаштирилганлигини ифодалайди. Муайян шароитлар учун агрегатнинг мазкур маневрчанлик ҳусусиятларини уларни танлашда ҳисобга олинади.

Агрегатнинг буриувчанлиги – унинг тўғри чизиқли ҳаракатидан эгри чизиқли ҳаракатига ўта олиш қобилятини кўрсатади. Айниқса, ғилдиракли трактор билан тузилган агрегат тўғри чизиқли ҳаракатидан эгри чизиқли ҳаракатига айлана бўйлаб бурилишда рухсат этилган энг кичик радиус билан бирдан ўта олмайди, чунки бошқарувчи ғилдиракларни буриш учун маълум вақт талаб қилинади. Бу вақт давомида агрегат олдинга қараб ўзгарувчан радиусли эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатланишини давом эттиради. Бу ҳаракат бурилишга кириш, аксинча, эгри чизиқли ҳаракатдан тўғри чизиқли ҳаракатга ўтиш бурилишдан чиқиш деб айтади.

Бурилувчанлик тракторнинг базасига ва тезлигига ҳамда операторнинг малакасига боғлиқ бўлиб, занжирили тракторлар ғилдиракли тракторларга нисбатан тез бурилиш имкониятига эга.



а)

б)

5.1-расм. Энг кичик бурилиш радиусига эга бўлган 2Х3 схемали (а) ва махсус ғилдиракли қурилма ўрнатилган 4Х4 схемали (б) тракторлар

Агрегатнинг ўтағонлиги – унинг тўсиқлардан ўта олиш қобилятига айтилади. Тўсиқлар икки турга бўлинади. Биринчи турдаги тўсиқларга юмшоқ тупроқлар, кескин кўтарилишлар, кечувлар ва бошқалар киради. Бунда агрегатнинг ўтағонлиги унинг юриш қисмини тупроққа кўрсатадиган нисбий босими орқали аниқланади. Иккинчи турдаги тўсиқларга жарликлар, кескин қияликлар ва бошқалар бўлиб улар агрегатни ағдарилишига сабаб бўладиган шароитларга киради. Бунда агрегатнинг ағдарилмаслик шартига асосан ўтағонлиги асосланади.

Агрегат ҳаракатининг барқарорлиги – унинг ҳаракатланишида силкинишлар, тебранишларни камайтириш имкониятлари киради. Бунга агрегатнинг статик (бўйлама ва кўндаланг) барқарорлиги унинг чизиқли ўлчамлари ҳамда динамик ва статик тебранишларига таъсир этувчи кучлар қўйилган нуқталарининг ўрни орқали аниқланади. Динамик барқарорлиги агрегатнинг ишчи қисмларини ишлов бериш ўлчамлари ва бошқа омилларни барқарорлаш ва ўзгартириш орқали эришилади.

Агрегат ҳаракатининг бошқарувчанлиги. Машина–трактор агрегатларини бошқариш қўйидаги усуllibарда – изидан юриш, параллел яқинлашиш ва йўналтирувчи нур кўринишида амалга оширилади.

